



КАРИМОВНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЕНГИШ МУМКИН?

Биз золимга қарши курашяпмиз. Аммо бу билан заррача ҳам фахр қилмаймиз. Фахр қилишга ҳақли эмасмиз. Зотан, биз бу ишни одамлар олдида фахр қилиш учун эмас, холис Аллоҳ учун ният қилдик.

Бу золимнинг исми – фиръавн Ислом Каримовдир.

Биз ҳамиша уни енгиш ва ҳукуматдан кетказиш ҳақида ўйлаб келдик. Хукм – Аллоҳдан, тақдир Унинг қўлида, биз тадбир қилишда давом этамиз. У



ўз ҳикмати ила нени хоҳласа, шуни жорий қилади. Биз итоат қилиб, Ўзи амр этганидек, ҳидоят йўлида юришга ҳаракат қиламиз, Унинг амрларига таслим бўламиз.

Фиръавн Мусо (а.с.)ни қувди. Унга зулм қилди. Оқибатда дарёга ғарқ бўлиб ўлди. Унинг сажда шаклда қотган мурдаси эса ибрат учун қолдирилди. Ислом Каримовни ҳам бир куни дарё чўқтирса, не ажаб, валлоху аълам.

Бугун биз ҳар қачонгидан кўра фаоллик билан Ислом Каримовни енгиш, унинг диктатурасини батамом ағдариш йўлида кескинроқ ҳаракат қиламиз.

Қатъий равишда айтаемизки, биз қон тўкиш тарафдори эмасмиз. Қон тўкишни истамаймиз. Аммо Каримовдан норози бўлаётган, унинг ҳукумати Ер юзидан супурилиб кетишини истаётган одамларга Аллоҳ учун, адолат учун бирлашиб ҳаракатланишларини тавсия қиламиз.

Бунинг учун биз баъзи ишларни амалга ошироғимиз лозим. Бу ишларни Ислом Каримов услуби билан санаб кўрсатишга ижозат этгайсиз.

Биринчидан, сиз бу золимга бўлган нафратингизни яшириб юришни бас қилинг. Уни ошкор қилинг. Аммо ўзингизни билдириб қўйманг. Ҳозир Ислом Каримовнинг зулми устун бўлиб турибди. Сизни

билиб қолсалар, тутиб олиб ит азобига солишлари мумкин. Аммо сиз кўркманг. Ўзингизни яшириш ва пинҳон тутиш сирларини пухта эгалланг. Кейин ҳужумга ўтинг. Бу ҳужум партизанлик ҳужуми каби бўлади. Каримовга қарши битилган ёзувларни қоғозларга чоп қилинг ва уни ҳамма ғафлатда бўлган пайтда шаҳрингиз, маҳаллангиз ёки кишлоғингиз бўйлаб тарқатиб чиқинг. Йўлларга сочиб ташланг, дарахтларга, симёғочларга, деворларга ёпиштиринг. У қоғозларда: “Йўқол, Каримов! Йўқол, золим! Йўқол, ёлғончи! Сендан нафратланамиз, Каримов!” деган ёзувлар ёзилса, жуда ҳам яхши бўлади. Ёки мурасасиз муҳолифат сайти – Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг мақолалари бўлса ҳам ҳеч нарса қилмайди. Сиз бу қоғозларни тарқатиб, уйингизга кириб ҳеч нарса бўлмагандек ўтиринг. Ишонинг, бу ўз натижасини кўрсатади: шов-шув кўтарилди, одамлар хайратга тушади, асосийси, МХХ талвасага тушади, ҳамма ёқни тинтади, аммо кўркманг! Халқ бу тузумнинг башарасини кўриб олади. Янада яхшироқ кўриб олади. Эҳтимол, бу ишда сиз ёлғиз қоларсиз. Аммо кўркманг, сиз бошлаб беринг, бошқалар ҳам қўшилиди. Мабодо, ҳеч ким сизга шерик бўлмаса, куйинманг. Эртага, албатта, бу

ишни бажарувчилар кўпаяди.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларда Каримовнинг ёлғончилигини исботлайдиган турли материалларни тарқатишга ҳаракат қилинг. Унга ишонган одамлар унинг асл башарасини кўриб олсинлар. Албатта, бунинг ўз профилингиз орқали амалга ошириш қийин, аммо бошқа профил очса бўлади. Кўркманг! Асосийси, чўчиманг!

Учинчидан, атрофингизда бўлаётган адолатсизликларни хабар шаклида ёзиб бизга тақдим қилинг, биз сизнинг исмингизни, манзилингизни ошкор қилмаймиз, аммо хабарни эълон қиламиз. Асл вазиятдан халқни хабардор этамиз.

Тўртинчидан, бутун Республикада мана шу иш амалга охша, кейин бирваракайига кўзгалса бўлади. Қурол олиб, одам ўлдириш учун эмас, намойиш учун. Аммо бу кейинроқ...

Ҳозирча, **биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи** босқич ишларини амалга ошириб турган яхшироқ. Республика аҳолиси уйғониши шарт. Унутманг, сиз бу ишни қила билсангиз, бу гуноҳ эмас. Бу бир курашдир. Бу зулмга исён дидир. Бу адолат учун қилинган мардлик дидир.

Биз сизни алдамаяпмиз. Биз сизни чалғитмаяпмиз. Биз курашнинг энг осон ва самарали йўлини кўрсатмоқдамиз. Бу йўлда ғалаба қилишнинг асосий талаби – кўркмаслик дидир!

Каримов менга халқда биров қарши чиқолмайди, ҳамма кўрқади деб ўйлайди. Начора, баъзилар ҳаммани ўзига ўхшатади. Ҳаракат қилайлик!

Унутмайлик, биринчи шарт: золимга бўлган нафратни яширмаслик, ичга ютмаслик дидир! Уни ташқарига чиқаринг!

Абдуллоҳ Нусрат

Андижонлик инсон
хақлари фаоли Саиджаҳон
Зайнобиддиновнинг Би-би-сига
маълум қилишича, вилоятда шу
ой бошидан буён кенг кўламдаги
текширувлар бормоқда.

Унинг ишонишича,
текширувлардан мақсад
андижонликларнинг ИД билан
алоқаларини аниқлашдир.

«Милиция ҳудуд нозирлари ва
посбонлар уйма-уй юриб, вилоят
ва республика ташқарисидаги ҳар
бир фуқаронинг қаердалиги, нима
билан бандлигини синчиклаб
текширмоқда», — дейди
андижонлик фаол.

Унинг сўзларига кўра, милиция
ходимлари ўзаро суриштирувларда
Сурия ё-да «Исломиий давлат»
номларини тилга олишмаяпти.

«Аммо улардан бири мен
билан суҳбатда бунга аниқ ишора
қилди», — дейди Саиджаҳон
Зайнобиддинов.

Би-би-сининг Андижон вилоят
Ички ишлар бошқармасидан бу
борада расмий маълумот олишга
урилишлари натижа бермади.

Синчковлик

Ҳуқуқ фаолининг айтишича,
бунга ўхшаш текширувлар аввал
ҳам ўтказилган, аммо бу каби
синчиклаб текширилмас эди.

Милиция ходимлари унинг
ҳам хонадонига ташриф буюриб,
Андижоннинг ўзида, аммо бошқа
манзилда яшаётган ўғлининг
қаердалигини суриштирганлар.

«Мен уларнинг кўзида ўғлимга
телефон қилиб, гаплашдим.
Худди шунга ўхшаб, Россияга
кетганларнинг қаердалиги, нима иш
қилаётгани, телефон рақамларини
сўрашяпти. Яқинларига телефон
қилиб кўринг-чи, деб телефон
қилдираяпти», - дейди Саиджаҳон
Зайнобиддинов.

Ҳуқуқ фаолининг айтишича,
Россияга ишлаш учун кетган
андижонликлардан бир
нечтасининг ИД томонидан
ёлланиб, ҳозирда Сурияда жанг
қилаётгани ҳақида норасмий
маълумотлаор бор.

«Аниқ сони маълум эмас, аммо
посбонлардан бири уларнинг уч
киши эканини айтди», — дейди
Саиджаҳон Зайнобиддинов.

Унинг сўзларига кўра,
аввалроқ тўрт нафар фарзанди
билан Россияга кетган бир аёлни
ҳам яқинлари Сурияга ўтиб
кетган бўлиши мумкинлигидан
хавотирланишмоқда.

Айтилишича, 1975 йилда



Андижонда кенг кўламдаги текширувлар бормоқда

туғилган ва Андижон шаҳрида яшаб
келган аёл 2012 йилда ўғли диний
ташкilotга аъзоликда айбланиб,
қамалганидан сўнг Ўзбекистонни
тарқ этган.

«Ўзи ҳам бир-икки марта
диний дарс олган экан, камаб
қўйишларидан кўрққан», - дейди
Саиджаҳон Зайнобиддинов.

Шу йил бошида Ўзбекистон
Миллий Хавфсизлик Хизмати
ИД Фарғона водийсида ҳужумлар
режалаётгани ҳақида хабар
тарқатган.

12news.uz нашри МХХ зобити
Алишер Ҳамдамовнинг «Исломиий
давлат» Фарғона водийсидаги
вазиятни беқарорлаштириш учун
70 миллион доллар ажратгани,
Ўзбекистоннинг Афғонистон
билан чегарасида жангарилар
тўпланаётгани ҳақида маълумотлар
бор» деган сўзларини келтирган.

8 октябрь куни @yordamberi-
lag ники остида хабар қолдирган
Твиттер фойланувчиси ўзининг
ўзбекистонлик ЖК (кискартириб
берилмоқда-тахр) исмли шахс
экани, ИД ёлловчиси томонидан
алдов йўли билан Москвадан
Истанбулга олиб келингани
ва Туркиянинг Сурия билан
чегарасида ушлаб турилганини
айтган.

Икки марта қочишга
урингани, аммо тутиб олиниб,
дўпосланганини итдао қилган
фойдаланувчи Твиттердагиларга
мурожаат қилиб, ўзини қутқаришда
ёрдам беришларини сўраган.

Ёлланма меҳнатдан ёлланма жиҳодга

Шу ҳафта Россиянинг Интерфакс

хабар агентлиги ўзбек ҳуқуқ-
тартибот идоралари Суриядаги
ИД сафларида жанг қилиб қайтган
қашқадарёлик бир кишини ҳибсга
олгани ҳақида хабар тарқатган.

Агентликнинг ҳуқуқ-тартибот
идораларидаги манбаъдан иктибос
келтиришича, қашқадарёлик ака-
укалар ИД ёлловчилари таъсирига
тушиб, Сурияга жанг қилиш учун
боришган.

«Бироз вақт ўтиб, улардан бири
янги «Ислом жангчилари»ни ёллаш
мақсадида Ўзбекистонга қайтган,
аммо кўп ўтмай, ҳибсга олинган».

Ҳуқуқ-тартибот идораларидаги
манбаънинг сўзларига кўра, ҳибсга
олинган шахс тергов жараёнида
ИД сафларида жанг қилаётган
ўзбек фуқароларининг аксарияти
Россияга ишлаш учун кетганлар
эканини тасдиқлаган.

ИДга қарши кураш шу
ҳафта Қозоғистонда ўтган
МДХ раҳбарлари саммити кун
тартибидаги асосий мавзулардан
бўлган.

Россия Президенти Путиннинг
айтишича, Суриядаги ИД сафларида
собик совет давлатларидан 7 мингга
яқин жангарилар бор.

Путин Россиянинг ҳаво
амалиётлари, жумладан, ана шу
жангариларга қарши қаратилганини
таъкидлаган. Ғарб давлатлари
Россиянинг асл мақсади Суриядаги
ИДни йўқ қилиш эканини савол
остига олишади.

АҚШ Россия учоқлари
Суриянинг Президент Асадга
қарши жанг қилаётган мўътадил
муҳолифатини нишонга
олаётганини айтган.

Манба: www.bbc.com/uzbek

Ўш вилояти Қорасув тумани прокуратураси 15 октябрь куни вилоят судига апелляция аризасини билан чиқиб, беш йилга манзил колониясига ҳукм қилинган “Ас-Сарахсий” масжидининг собиқ имоми Рашод Камоловга нисбатан белгиланган жазони янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Прокуратуранинг ушбу ҳаракатлари туфайли Камолов

ҳам аҳволни оғирлаштирувчи “мансабдан фойдаланиш” ҳолатини олиб ташлагани ҳукмнинг энгиллашувига олиб келди. Судда прокуратура ўн йил қатъий тартибдаги колонияни, адвокатлар эса уни бутунлай оқлашни талаб қилишганди, суд беш йил манзил колонияси бўйича ҳукм чиқарди.

Тўрт ой давом этган суд тингловларида туман прокурорлари

талаб қилмоқдалар. Шу билан бирга, адвокатлар бир неча бор Қирғизистнда шу чокқача суд томонидан тақиқланган экстремистик материаллар рўйхати йўқлиги тўғрисида билдириб келдилар. Қоидага кўра, маҳаллий судлар прокуратуранинг таклифи билан у ёки бу материални экстремистик деб тан олиш тўғрисида қарор чиқаришлари ва бу материаллар Адлия вазирлигига юбориладиган рўйхатга киритилиши лозим.

Ана шундан кейин Адлия вазирлиги бу рўйхатни ўзининг сайтига жойлаштиради ва ОАВ орқали тарқатади. Мана шу процедуралардан ўтганидан кейин материал экстремистик ва тақиқланган дея тан олинади. “Мамлакатда бунақа рўйхат бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фуқароларга тақиқланган ва экстремистик материалларни сақлаш ёки тарқатиш бўйича айблов қўйишга қанақа ҳақи бор?”, дея аччиқланади адвокат Хусанбой Салиев.

Манба: “Фарғона” АА

Прокуратура Рашод Камоловга нисбатан белгиланган жазони янада кучайтиришни талаб қилмоқда

яна бир неча ой давомида Тергов изоляторида қолиб кетишига тўғри келади.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йил 7 октябрь куни Ўш вилояти Қорасув тумани суди Камоловни диний адоват кўзғатишда ва экстремистик материалларни тарқатишда айбдор деб топган. Район суди раиси Қўйчубек Жўбонов Камоловга қўйилаётган айблов эпизодларининг уччаласидан

Азам Сативалдиев ва Нурлан Абдрақов судга Камалов “Ас-Сарахсий” масжидига имом бўлганини исботлашга уриниб келишди. Бироқ улар Камаловни бу лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқни топиб судга тақдим эта олмадилар. Худди шу сабабдан ҳукм энгил бўлди.

Бироқ туман прокурорлари ҳукмдан норози бўлиб, унинг қайта кўриб чиқирилиши

Президент Ислом Каримов МДХ мамлакатларининг Борубайда ўтган йиғилишида Афғонистоннинг шимолий чегарадош ҳудудларида тобора ёмонлашаётган вазиятдан ҳавотир изхор этди. Унинг назарида, Афғон ҳукумати мамлакатни тўлиқ назорат қила олмаяпти.

Яқинда Қундуз шаҳрини Толибон жангарилари бир неча

туманларидан бирини ишғол қилгани хабарлари тарқалди. Бундан олдин Толиблар Қундуз шаҳрини вақтинча қўлга олганлари ҳам Марказий Осиё раҳбарларини қаттиқ ташвишлантирган бўлиши мумкин. Афғонистоннинг

Бадахшонда келиб чиқишлари турли хил бўлган жангариларнинг тўпланаётганлари, уларнинг

қаратилган айрим ҳаракатлар рўй бериши мумкин.

Би-би-си: Агар Ислом Каримов шу қадар ташвишланган бўлса, нима учун фақат АЙСАФ, яъни Афғонистондаги НАТО кучларининг сони кўпайиши ҳақида гапирган? Мисол учун, айрим шарҳловчиларнинг айтишларича, у Коллектив

Афғонистондаги нотинч вазият Каримовда ташвиш уйғотмоқда

қунга босиб олишга мувафқ бўлганларини эслатиб, Ўзбекистон раҳбари Афғон заминиди АЙСАФ (Халқаро Хавфсизлик Кўмак Кўшинлари) сонини кўпайтириш керак деб айтди.

Афғонистон шимолидаги нотинч вазият Ўзбекистон президентида чуқур ташвиш уйғотмоқда.

Ислом Каримовнинг ҳавотирлари қанчалик ўринли? Марказий Осиё масалалари бўйича таҳлилчи Аркадий Дубнов.

А. Дубнов: Ўзбек раҳбарининг ҳавотирлари Афғонистон шимолидаги вазиятга нисбатан адекват, яъни мутаносиб, деб ўйлайман. Қуни кеча Толибон Туркменистон чегарасига яқин бўлган Фарёб вилоятининг

сонини олдин ўйлангандан ҳам кўра кўпроқ экани аён бўлгани айнан Тожикистон учун жиддий хавфдек кўрилмоқда. Бироқ, бошқа томондан, бу минтақа учун жиддий тажовуз амалга оширилиши мумкинлигини англамайди. Авваламбор, жангариларнинг барчаси Толибон раҳбариятига бўйсунди, иккинчидан, ўн йиллик тарихида Толибон интилишлари чегара оша тарқалмаганига гувоҳ бўлдик. Бироқ улар орасида Марказий осиелик жангариларнинг ҳозирлиги уларнинг келажак вазифалари қандай бўлиши эҳтимоли бизга номаълум. Шунинг учун ташқи кенг микёсли тажовуз бўлмаса ҳам, бироқ минтақада вазиятни беқарорлаштиришга

Хавфсизлик Шартномаси (ОДКБ) ни умуман тилга олгани йўқ?

А. Дубнов: Ўзбекистон, аниқроғи Ислом Каримов, Марказий Осиёда анчадан бери Россиянинг ҳарбий ҳозирлигига ишончсизлик билан қарайди. Бундай муносабат 1990-йиллар, яъни Тожикистонда жойлашган Россиянинг 201-дивизияси ҳарбий базага айлантирилган пайтларга бориб тақалади. Ислом Каримов бу жиҳатдан Россияга шубҳа билан қарайди ва минтақа раҳбарлари, хусусан, Туркменистон президенти ҳам, ушбу қарашларни қўллаб-қуватлайди. Ушбу мамлакатлар Россия ҳарбий ҳозирлигидан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

хавфсирайдилар. Украина ҳодисалари шуни кўрсатдики, Россия ҳарбий ҳозирлиги ноаниқликни туғдириб, яхши оқибатларга олиб келмайди. Яъни, Кремлнинг асл мақсадларини билиб бўлмайди. Шунинг учун минтақа раҳбарларида менталитет даражасида русларнинг ҳарбий иштироғи масаласига келганда қандайдир танглик ва ишончсизликни илғаш мумкин.

Би-би-си: Сизнинг назарингизда Ислом Каримовни Россиянинг минтақага кириб келиши ва ўз мавқеларини мустаҳкамлашга уринишлари қанчалар хавотирга солиши мумкин?

А. Дубнов: Россиянинг ҳарбий манфаатлари ҳозирга қадар фақат базаси жойлаштирилган Тожикистонга тааллуқли, деб айтиш мумкин. Лекин, агар аҳамият берсангиз бўлса керак, Қозоғистонда МДХ мамлакатларининг сўнгги йиғилишида Афғонистондан

келаётган хавф олдида коллектив мудофа ҳамкорлик зарурияти ҳақида сўз кетганда ОДКБ умуман тилга олингани йўқ. Назаримда, ОДКБ ўз кучлари билан кенг миқёсда амал қилолмайди. Сабаби — ОДКБ низомида ташқи таъжовузга юз тутган ҳолдагина мазкур ҳаракатларга қўл уриш мумкин деб қайд этилган. Агар Марказий Осиё давлатларидан кимдир Россия билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлса, бу икки тарафлама келишув асосида амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда Россиянинг ҳарбий ёрдамига муҳтож бўлган миждоз сифатида фақат Тожикистон турган бўлиши мумкин.

Би-би-си: Яқинда Интернет хабарларида, Россия Каспий денгизидан Сурия томон ракета отгани, Марказий Осиё раҳбарлари ва хусусан президент Каримовни қанчалар ташвишга солиши мумкинлиги борасида турли фаразлар янгради. Бу каби ташвишларга асос бор деб ўйлайсизми?

А. Дубнов: Россиянинг

Каспий флотидан туриб Сурия нишонларига қаратаракета отганига айнан Каспий денгизи соҳилида жойлашган мамлакатларда хавотирлар бўлиши мумкин. Мен ҳам сўнгги кунларда бу каби хавотирлар ҳақида очик айтганман. Хусусан, ҳар қандай авантюра, яъни шароит ва имкониятларни ҳисобга олмасдан, таваккалга бошланган амалиётга бошида кириш учун бир сўм тўланса, ундан чиқиш учун ўн сўмдан кўпроқ пул тўлаш керак бўлади, деб ёзганман. Чиқиш стратегиясига эга бўлиш шарт. Бошқа тарафдан, Каспий минтақасида аксари сунний мусулмонлар яшашади. Мусулмонлар яшаган минтақа ичидан амалга оширилган ҳар қандай ҳужум сунний экстремист мусулмонлари томонидан жавобий ҳужумларни келтириб чиқариши эҳтимоли бор. Россиянинг ўзидан бўлмаса ҳам, лекин умумий ҳудудлардан бундай ҳаракатлар келиб чиқиши мумкин ва бу ўта хавфли деб ўйлайман.

Манба: www.bbc.com/uzbek

Ҳамма нарса ўзгаришга муҳтож. Мамлакат қонуни, оддий водопровод жўмраги, ёки халқ кўлидаги шиор бўлсин, ҳаммаси ўзгаришга муҳтож. Аксинча уларни моғор босади. Бу тараққиётнинг эски қоидаси. Бусиз ривожланиш ҳам йўқ.

Таърибамда шу нарсага амин бўлдимки агар одам, жумладан миллат ҳеч нарса яратмас, фақат борини ейишда давом этаркан, у кўп нарсадан маҳрум бўлади. Бунинг нуқси бошқаларга ҳам юқади.

Бу ҳасадни агар миллат миқёсига ёйсангиз, янада фожиалироқ...

Албатта бой бўлиш камбағал бўлишдан афзал, айниқса яратувчан одам учун. Ҳеч нарса яратмайдиган одам, фикримча, аста секин мавжуд эски нарсаларнинг бандасига айланади.

Айни нарсаларни пул ва ришват эвазига қўлга киритади. Мамлакатда коррупция авж олади. Юқорининг амри билан, бу нарсалар энди сеники, соққасини олиб яна кимнидир ўзингга тенг шерик қилишинг ҳам мумкин.

Билимсиз билимдиларга йўл бермайди. Улар шароитга мослашишга мажбур. Баҳиллик

кучаяди. Менинг шунча билимим бор, фалончи эса дипломини пулга олиб, элга ҳоким бўлди... балки унга пора берсам мени бирор ишга қўяр.

Оддий ўғирлик — пора билан жазодан қутилиш мумкин бўлган



Ўзгаришлар эҳтиёжи

мамлакатда яшашнинг энг осон усули. Бировнинг томини теш, киссавурлик қил, ўлдир, милиция сенга шерик. Уларга қонун йўқ, чунки дипломини пулга олган ҳуқуқшуносларда бунинг эзишга укув ҳам йўқ.

Ўйингда газ, сув йўқми, ўғринча қувурга улан. Газчи келса ҳақини олади кетади. Пулинг бўлмаса текинга яша.

Тоқатсизлик ривож. Норозилар тилини тийдириш чораси ҳам бор. Нега қизинг рўмол ўрайди, ёки нима ҳақинг бор очик-сочик юришга, бу ер сенга Робинзон ороли эмас, демократия қилгани!

Водопровод қувуридан оқаётган итбалиқ аралаш сув ичаётган халқ

муаммосига бу гапларнинг нима даҳли бор, дея ўйлаганмисиз?

Сув идораси ходимлари саводсиз бўлмаса, муаммони ҳал қилган, айбини пора билан ҳал қилишига кўзи етмаган қўшнингиз эса қувурини ўғринча улашга юраги бетламаган бўлмасмиди?

Доира ёпилди. Бироқ бир нарсани айтмадим. Яратишдан, қуришдан аввал майдон эски нарсалардан тозаланиши, демак юқорида ўтирган президент ва унинг аймақлари ўринларини бўшатишлари лозим.

Қолган ҳаммаси сизнинг қўлингизда.

Қудрат Бобожон
Манба: Eltuz.com

Куни кеча 17 турли манзилда амалга оширилган ИШИД операциясида қочоқ болаларга таълим бериш ва ўқитиш марказида ҳам рейд ўтказилди. Ўқитилаётган қочоқ болалар қўлга олинди.

тугатиlmаса, эртага барча ҳамдард мусулмонлар билан болалар ушланаётган полиция маҳкамаси олдига тўпланиб матбуот баёнатини уюштирамиз.” -деди.

Хукумат бир неча йиллардан

Ўзбекистонлик талабалар ҳукумат нашрларига обуна бўлишга мажбурланмоқда

Эндигина мажбурий пахта теримидан қайтган ўзбекистонлик талабалар ва коллеж ўқувчилари ҳукумат нашрларига обуна бўлишга мажбурланмоқда. Талабалар ўқишдан ҳайдалиш таҳдиди билан стипендияларидан обуна учун пул ушлаб қолинаётганини айтишмоқда. Озодлик билан сўхбатда бўлган ўзбек талабалари уларнинг розилигисиз стипендияларидан ҳукумат нашрларига обуна учун 120 минг сўмдан ушлаб қолинаётганини айтишди.

– Ҳозир 120 мингга обуна бўласан, бўлмаса диплом олмайсан, деб кўрқитишяпти. Шароитимиз оғир бўлса, нима қилайлик. Отам пенсионер, онам ҳам ишламайди, – дейди Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежининг исми очиқланмаслиги шарти билан Озодликка гапирган 3-босқич ўқувчиси. Урганч Давлат университети талабаларидан бири эса обуна бўлишга қаршилик қилган талабалар ўқишдан ҳайдалишлари ҳақида огоҳлантирилган.

– Шу газеталарни ўқиб боришимиз керак экан. Ҳар бир талаба газетага обуна бўлиши шарт, бу ҳам ўқув жараёнини бир қисми, дейишяпти. Обуна бўлмаганлар “отчисления”га тушар экан. Мен учун обуна пули катта пул эмас. Лекин, қишлоқлардан келиб ўқиётганлар бор, улар учун обуна пули катта пул, – дейди урганчлик талаба. Озодлик муҳбири масалага ойдинлик киритиш мақсадида Урганч давлат университетига кўнғироқ қилди.

Телефон гўшагини кўтарган университет ректорати ходими талабаларга ҳукумат нашрларига обуна бўлишлари айтилганини тасдиқлади, лекин бунинг учун уларнинг стипендияларидан пул ушлаб қолинаётганига оид гапларни мутлақо рад этди:

– Обуна ҳар йили бўлади, бизга бу тепадан айтилган. Талабалар обуна бўлишлари керак, лекин уларни стипендияларидан пул ушлаб қолиниши бўлмаган гап, – деди университет ходими.

Ўзбекистонда ҳар йили обуна кампанияси мавсумида корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ва пенсионерлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳукумат, парламент ва сиёсий партиялар газеталарига мажбурий обуна қилиш ҳолати кузатилади.

Манба: ozodlik

ТУРКИСТОНЛИК ҚОЧОҚ БОЛАЛАР ИШИДГА АЛОҚАДОРЛИКДА АЙБЛАНИБ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Туркияда 25 июлда бошланган ИШИД операциялари ҳамон давом этмоқда. Бу операцияларда минглаб шахслар ИШИД билан алоқадорликда айбланиб қўлга олинган.

Аmmo бу шахсларнинг жуда ози хибс қилинган. Қўлга олинганларнинг кўпчилиги ИШИДга ҳеч бир алоқаси бўлмаган кишилардан иборат. ИШИД аъзоси эканлигида айбланиб қўлга олинганлар исмлари орасида ИШИДга қаршилиги билан танилган кишилар ҳам борлиги айтилмоқда.

Нихоят куни кеча Истанбул шахрининг Пендик туманида ҳам ИШИД операцияси ўтказилган. Бир вақтнинг ўзида рейд ўтказилган жойлардан 3 таси Пендикда яшаган Туркистонлик қочоқларга тегишли мактаблар бўлган. ИШИД билан алоқаси топилмаган ушбу мактабларда кўпчилиги 18 ёшгача бўлган қочоқ болалар бўлиб, улар Қуръон қироати ва исломий илмлардан дарс олишган. Рейд давомида қўлга олинган 30 га яқин бола Пендик ва Молтепадаги полиция маҳкамаларига олиб кетилган.

Халқаро адлия ташкилоти раҳбари Адем Чевик тадбир борасида, “Биз яқиндан ғамхўрлик қилувчи муҳожир болаларнинг таълим олган бу жойларга; куни кеча эшиги синдирилиб махсус полиция томонидан рейд уюштирилди. Қўлга олинган бу 3 муҳожир мактабига аввал ҳам бир неча марта келинган ва ўз кўзлари билан шахсан бу ерларда болаларнинг таълим олишини кўришган эди”, деган сўзларни айтган.

Муҳожирлар ташкилоти вакили Муҳаммад Али Акман эса, “Қандай бир ўлкада яшаймизки 9 ёшдаги болалар ИШИД аъзоси деган гумон билан қўлга олинса. Ҳеч бир айби бўлмаган бу болалар тезда озод қилиниши керак. Агарда маҳкамда ушлаш муддати бугун

буён ҳал қилмаган қочоқлар сиёсати натижасида минглаб Туркистонлик қочоқ оилалар Туркияда ноқонуний яшаб келмоқдалар, яшаш учун рухсатномалари бўлмаганлиги учун бу қочоқ оилаларнинг болалари Туркияда расмий мактабларга қабул қилинмайдилар.

Қочоқ оилалар эса жойлашган вилоятларида Туркия фуқароларининг ёрдами билан ўқув марказлари очиб болаларининг таълими учун шароит яратишга урунишяпти.

Ҳозирда Пендик туманининг Кайнаржа маҳалласида амалга оширилган операция давомида қўлга олинган 53 кишидан 30 таси кўйиб юборилган, қолганлар эса шахсияти тасдиқлангунга қадар маҳкамда ушлаб турилади.

Туркиянинг «Timeturk» матбуоти аввало амалга оширилган рейдлар ҳақида «ИШИДчи болаларни тайёрлаш маркази фош этилди» деган маънодаги хабар тарқатган эди, кейинчалик Ўрта Осиёдан келган қочоқларни «ИШИД аъзолари» дея нотўғри маълумот тарқатгани учун узр сўраган ва ўз хабарларига тузатишлар киритган.

Куни кеча Пендикдаги ИШИД операциясида қўлга олинган, кўпчилиги Ўзбекистондан бўлган қочоқ болалардан баъзиларнинг исмлари:

Мусаб (14 ёшда)
Исмоил (12 ёшда)
Муса (9 ёшда)
Абдулазиз (15 ёшда)
Абдуллоҳ (22 ёшда)
Абдуҳолик (12 ёшда)
Абдурахмон (19 ёшда)
Абдурахмон (14 ёшда)
Али (17 ёшда)
Аслиддин (16 ёшда)
Оятуллоҳ (22 ёшда)
Илём (22 ёшда)
Усомиддин (17 ёшда)
Фазлиддин (17 ёшда)
Усмон (22 ёшда)
Муҳаммад Али (16 ёшда)
Хусайин (20 ёшда)

УХХ хабарлар бўлими



Ўзбекистон журналистлари ҳақида ҳақиқатлар

Америкалик журналист аёл бир ўзи текширув ўтказиб Рокфеллер нефт компаниясининг АҚШдаги монополиясини яқсон қилган. Бу аёлнинг исми- шарифи Ида Тарбел эди.

Журналист – мустақил шахс. У инсон ҳуқуқлари учун курашадиган жангчи. Журналист – ҳақиқат ҳақида қўрқмай гапирадиган, хато қилса тан оладиган одамдир. Журналист холис бўлиши шарт. У шахсий манфаатларини Ватан ва жамият манфаатлари йўлида қурбон қилган фидойидир. Агар у ана шу мақомга лойиқ бўлса. Агар у бирор тузум ёки шахс учун эмас, фақат ҳақиқат учун хизмат қилса. Агар у инсон кадрини юқори қўйса...

Дунёдаги кўплаб давлатларда ана шундай бўлиши мумкин. Журналист деганда золимларнинг оёғи титрайди. Порахўрларнинг томоғига ош тикилади. Журналистга инсонлар ҳақиқатга қарагандек қарайдилар. Аммо шубҳасиз Ўзбекистонда ундай эмас. Ислон Каримов даврида бундай бўлиши мутлақо мумкин ҳам эмас. Буни тасаввур ҳам қилиш қийин. Чунки журналистларнинг ҳаммаси Ислон Каримов ва унинг ҳукумати учун қуллик қилишлари фарз. Агар аксина бўлса, касбни бир четга қўйиш ва қаламни синдириб, кетмон чопиш шарт. Йўқса, бошинг кундада.

Келинг, ТВ соҳасини текширамыз. Ўзбекистонда ТВ жуда зерикарли. "Ўзбекистон" телеканали энг зерикарли бир канал ҳисобланади. Бериладиган ахборотларнинг қолипи битта. Қолипдан чиққан ўлади. Шубҳасиз, ўлади.

ТВ-шоуларда эса қатнашувчилар ухлаб қолай деб ўтирадилар. Келганлар ТВда чиқишга ишқибоз фанатиклар бўлиши мумкин, ақли одам экранга чиқмай қўя қолади. Чунки экранга чиқиш учун минг чиғириқ бор. Шоуларда қатнашчилар бир-бирининг гапини маъқуллайди. Бахс йўқ. Маданият

билан ўзаро баҳс қилиш ўрнига бир-бирининг гапини тўти каби такрорлайди. Интервью бераётган одам гоҳида кишида ухлаётгандек таассурот қолдиради.

ТВда маҳаллий хабарлар моҳиятан фаровон ҳаёт ҳақида гапириш учун бичилган, хориж хабарлари эса табиий офатларга бағишланади – ўзбек ахборотларини кўрган одам Ўзбекистон гуллаб ётибди, аммо бутун дунё зилзила, сув тошқини ва бўронда қолган деб ўйлайди. Одамлар эса бизда тинчлик дея шукур қилиб ўз ишига кетаверади.

Ўзбекистон ТВда сериаллар алоҳида аҳамиятга эга. Улар билан одамлар яшайди. Бирор сериал устида жанжал чиқса, нур устига нур. Чунки шу жанжал билан анча вақт ўтади.

Гоҳида "кескир" кўрсатувлар тайёрланади. Уларнинг асосий мавзуси – диний экстремизм, рўмол ўраган аёллар, ўғирлик қилган шифокорлар, музейдан расм ўмарган каззоблар ва ҳоказолар ҳақида. Бу кўрсатувларнинг ҳаммаси битта журналист томонидан тайёрланади. Масалан, шундай типдаги дастурларни шу кунларда Жамшид Умрзоқов деган "журналист" ясамоқда. Маълумки, бу кўрсатувларнинг ҳаммаси МХХнинг буюртмасидир. МХХга кимдир ёқмай қолса, ана шундай тарзда шарманда қилинади ва йўқ қилинади. Бу билан одамларга сабоқ берилади. Кишилар ҳушёр тортиб, асосий вазифалари – ҚУРҚИШ билан банд бўладилар.

ТВдаги қўшиқлар ҳам бир хил мавзуда. Ижтимоий мавзуга бағишланган бирорта ҳам қўшиқ янграмайди. Чунки бундай типдаги хонишлар – давлат душмани – халқнинг кўздан яширин ҳаётини очиб бериши мумкин. Ўзбекистонда бу мавзуда Дадахон Ҳасан, Шерали Жўраев, аёллардан Юлдуз Усмонова, Озода Саидзода (Нурсаидовалар)гина куйлашга

журъат қилар эдилар. Аммо бугун бу хонандаларнинг ҳаммаси учун ТВ ҳам, радио ҳам, газета ва нашрлар ҳам берк.

Ўзбекистон радиоларида эса аҳвол бундан бешбаттар. Бошловчилар одамларни чалғитиш учун банд. Радио реклама орқали пул топади, шу билан яшайди. Зерикарли интервьюлар эфирга узатилади. Бемаъни қўшиқлар янграйди.

Газета ва журналларнинг ҳам савъияси ўта паст. Уларда асосан маиший мавзулар кўтарилади. Расмий матбуотни оддий халқ

умуман ўқимайди, омма хусусий нашрларни севади. Турли "газета сериал"лари ва олди-қочдилар "журналист"ларни боқади. Танқидий мақолалар эса МХХнинг буюртмаси билан тайёрланади. Ҳеч бир "журналист" ўзи билганича бировни танқид қилиши ва текшириши мумкин эмас.

Расмий журналлар эса бевосита цензурада. Тўғри, "Тафаккур" журнали маъно ва моҳият жиҳатдан Республикадаги энг савъияли нашр. Аммо унинг ўқувчилари кам. Кенгайиши учун умуман ҳаракат йўқ. ТВ ва радиода хусусий ва олди-қочди йўналишдаги нашрлар реклама қилинади, аммо "Тафаккур" эмас. Чунки бу журналда анча жиддий гаплар айтилади, ҳатто жамият камчиликлари имижимида ёритиб ўтилади. Бу, албатта, бош муҳаррир Эркин Аъзамнинг чуқур савъия соҳибиде экани билан боғлиқ. Қолаверса, "Тафаккур" журналининг жамоаси фақат олимлардан ташкил топган. Лекин уларнинг барчаси моддий етишмовчилик билан яшайди. Бу – аниқ.

Бугун Ўзбекистонда нисбатан эркин ОАВ тури – бу интернетдир. Аммо Ўзбекистон сиёсатини танқид қиладиган сайтларга чеклов қўйилган. Одамлар бундай сайтларга киришдан ҳам қўрқадилар. Чунки уларнинг тасавурида МХХ ким кирмоқчи бўлса, компютеридаги маълумотларгача аниқлаб олиш қувватига эга. Кишилар наздида Ўзбекистонда Худонинг эмас, МХХнинг кузатуви ва жазоси тайиндир.

Интернетда кўплаб сайтлар ва блоглар очилган. Аммо уларнинг савъияси юксак даражада бўлмаса ҳам, эркин фикр мавжуд. Эркин ёндашув кўзга чалинади. Хайриятки, Ўзбекистон ҳукумати интернетга ҳали қаттиқ ҳужум қилмаяпти. Чунки одамларнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



ўзлари ўзларига цензура қилиб яшашга ўрганиб бўлдилар. Шунинг учун энди интернетда ҳам кўпчилик МХХнинг кўзлари менда деган ҳадик билан қадам босади.

Ўзбекистонда адолат излаб журналистга мурожаат қилмайдилар.

Ўзбекистонда ҳокимият журналистикани ўйинчоқ қилиб ўйнатади. Хоҳласа, у кўйга, хоҳламаса, бу кўйга солади. Ҳеч бир журналист "миқ" деб овоз чиқармайди.

Андижонда қирғин бўлди – журналистлар жим. Олий ўқув юртларига кириш пораҳўрлик асосига қурилади – журналистлар жим. Пахтага мажбуран олиб чиқилади – журналистлар жим. Қамоқхоналарда, тергов жараёнларида бўладиган зулмларга нисбатан ҳам журналистлар жим... Ўзбекистон – жимжит. Худди қабристон каби. Чунки Ўзбекистонда мазлумни ҳимоя қилган ҳам қатл қилинади, оғриқдан инграган ҳам қатл қилинади. Ҳамма фақат ва фақат зolim Ислоҳ Каримов ва унинг ҳукумати шарафлаши лозим.

Бир қараганда жим турган ҳам шубҳали. Кўп мақтаган ҳам шубҳали. Урта йўлни топиб, одамларни "ишонтириб", "фактларга асосланиб" отақўзини мақташлари шарт – узр, отақўзбекни.

Ўзбекистонда одатда, халқаро миқёсда ёки жаҳон миқёсида бирорта ҳам тадбир бўлмайди. Бўлса ҳам, спорт мусобақаси ёки мусиқа фестиваллари, жуда борса Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг йиғилишлари ўтказилади.

Шунингдек, турли аҳамиятсиз ярмаркалар. Дейлик, Ўзбекистонда дунё журналистларининг конференциясини қилиш – ақлга сифмайдиган тадбир. Чунки кўплаб журналистлар, хусусан, ривожланган давлатларнинг журналистларини тийиб бўладими – улар кўрган ҳақида гапиради. Кўрганини таҳлил қилади. "Диктовка қилинган" гапни эмас. Ўзбекистонда журналист маҳбус кабидир. Узини ҳурмат қилган журналист камида узини занжирбанд маҳбус деб ҳис қилса керак. Чунки журналистика –

эрк ва ҳурликка, тафаккур ва илмга асосланган йўналиш. Буларнинг ҳеч бири йўқ Ўзбекистонда. Ёш авлод вакиллари ҳам фикрсиз ва ўз сўзига эга бўлмаган бир тўтиқушлар каби тарбия топмоқда. Буларнинг ҳаммаси – Ислоҳ Каримов эккан, унинг қуллари сув қуйиб кўқартирган зулм дарахти берган мевалардир.

Қизиғи, Ўзбекистонда 27-июн Журналистлар байрами деб нишонланади. Уша куни фақат ҳамд ва сано билан кун кечираётган ўзбек журналистлари ўзларини ўзлари мақтайдилар. Худди умрида мақтов эшитмагандек одам каби... Ҳа, бу гап тўғри – ўз ўрнига ва сўзига эга бўлмаган журналистни биров мақтармиди? Шунинг учун Ўзбекистонда журналистга ҳамма мунофиққа қарагандек қарайди. Ўзбекистонда ўзининг журналист деб таништиргани ҳам уяласан. Ҳатто, ор қиласан.

Бундан ташқари Ислоҳ Каримов "Олтин қалам" деган бир мукофот таъсис қилган. Ҳар йили 3-май куни турли соҳаларда ғолибларни аниқлаб эълон қилишади. Ғолиб бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳукуматга мақтовдан иборат бўлади. Фақат "факт"га бой бўлган, одамларни "ишонтириб" алдаган ишлар ғолиб бўлади. Танлов шартлари ҳам кўпинча шундай: "... юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни, масалан, кексаларни эъзозлаш йилидаги буюк ишларни ёритиш керак..."

Бу очикдан-очик журналистга мўлжалланган кишан. Журналист учун мўлжалланган дор. Чунки журналист ўзи истаган мавзуда эмас, кўрсатилган мавзуда олдиндан айтилган фикрларни баён қилиши шарт. Адашиб ўзидан янги фикр қўшиб юборса, ғолиблик тугул, бошидан айрилади.

Бу – Ўзбекистон журналистлари ҳақидаги ҳақиқатлар эди. Қолган гапларни айтмадим, чунки мендан яхши биладиганлар бор. Атрофга кўзингизни каттароқ очиб қаранг ва менинг ёлғон гапираётганимга иқроор бўлинг. Менинг Ўзбекистондаги журналистлардан ҳам фарқим шу – мен рост, улар ёлғон гапириб яшайдилар.

Мақола давомида фақат шахсий гапларимни айтиб келдим, сўнггида яна бир шахсий савол берсам, айбга буюрманг: қачон ўзбек журналистларига жасорат битар экан? Бошини кўтариб, кўрганларини ёзар экан? Қачон ҳақиқатни ўзгармас мезон деб белгилар экан? Қачон?

Туянинг думи ерга текканда деманг, туя ўлган, унинг думи ҳам йўқ. Ўзбек журналисти ўзини таниб олса, яхши бўлар эди.

Абдуллоҳ Нусрат

Нурсултон Назарбоев: "Ҳақиқий инқироз энди келади"

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев мамлакат бошига иқтисодий қийин паллалар келаётганини таъкидлаган. У иш ўринларининг қисқариши ва даромад кўриш камайиши мумкинлигини айтган.

"2007-2009 йиллардагидан анча кучли – ҳақиқий инқироз келмоқда. Шу муносабат билан ҳукуматга вазиятни таҳлил қилиш, инқирозга қарши иш режалари тузиш, зарур чораларни аниқлаш ва аҳолига етказишни топшираман", – деган Нурсултон Назарбоев.

Президент матбуот хизматининг хабар беришича, Бош вазир Карим Масимовни қабул қилган Назарбоев мамлакат иқтисоди қийин аҳволда амал қилаётганини айтган.

"Ёнилғи маҳсулотларининг нархи пасайиши натижасида бюджет тушуми 40 фоизга камайди. Бундан ташқари кўмир, қора ва рангли металл каби бошқа экспорт маҳсулотларимизнинг ҳам нархи тушди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида унча катта бўлмаган ўсиш кузатилди, саноат корхоналари, жумладан, машинасозлик соҳамиз ишлаб чиқаришини камайтирди", – деган Нурсултон Назарбоев.

Давлат раҳбари дунёдаги иқтисодий ҳолатни назарга олиб тез орада вазият яхшиланмаслигини айтган. Мамлакат аҳолиси ташкилотларнинг фойдаси камайиши, даромадларнинг тушиши ва иш ўринларининг камайишига тайёр туришини таъкидлаган.

Назарбоев аҳолининг заиф қатламини дастаклаш учун тайёр дастурлар бўлиши кераклигини айтган. Бироқ у ишлаб чиқаришга асосланган корхоналар давлатдан ёрдам кутмаслиги кераклигини ва бунинг учун Миллий жамғармадан маблағ ажратишни тақиқлаб қўйишини билдирган.

Кузатувчилар Қозоғистон иқтисоди қийин дамларни бошидан кечираётганини олдин ҳам айтишган.

Қозоқ тангасининг қадрсизланиши ва мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларнинг россиялик тадбиркорларнинг рақобатига дош беролмаётгани мамлакат иқтисодига зарба бўлаётгани айтилади.

Қозоғистон Миллий банки тангани 20 октябрда эркин савдога қўйган бўлса-да, уни яна назорат остига олишга мажбур бўлган.

Танга бозорда эркин сузишни бошлаганидан сўнг 1 долларнинг нархи 300 тангагача кўтарилиб кетди. Бироқ Миллий банкнинг бозорга миллионлаб доллар чиқариши натижасида бугунги кунда бир доллар 278 тангадан сотилмоқда.

Миллий банк 16 сентябрдан бошлаб тангани дастаклаш учун бозорга 1,5 миллиард долларга яқин маблағ чиқаришга мажбур бўлди. Миллий банк матбуот хизматининг маълум қилишича, октябр охиригача тангани курсини маълум миқдорда ушлаб туриш учун 3 миллиард доллар сарфланади.

Манба: bbc.com/uzbek

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Шу йўл билан Ислоҳ Карим ўзбек – тожик уруши иллизини чопиб ташлайди. Мен буни биринчи марта Шароф Убайдуллодан эшитганман. Атрофлича эса ўз турк тилиси даражасида ўрис, форс, араб тилларида ҳам ўқиб, ёзадиган ёзувчи Мирёкуб Қобулдан.

“Кимга ким чуқур қазиса, унга ўзи қулайди” – деди менга Мирёкуб, — Тожикистоннинг ўзида фуқоралик уруши бошланиб кетди.

Бир ёқдан юрчиқ (Юрий Андроповчилар, бошлиғи Сангин Сафаров)лар... иккинчи томондан вовчик (вахобийлар, бошлиғи Тўражонзода)лар... Қўп қон тўкилди. Бир кезлари Ўзбекистоннинг автономияси ҳисобланган бу юртда, сон жихатидан тожикларнинг деярли ярмини ташкил этувчи ўзбеклар ортиқча ситам кўрди. Жонларидан, уй-жойларидан айрилиш билан бирга Тожик раҳбариятидан сиқувга олинди. Туркий тиллар кишанланди, мактаблар қисқартирилди.

1992 йилда мен Ўзбекистон Маданияти Жамғармаси раиси эдим. Термизда вилоят бўлимлари аро кўчма тўпланти ўтказдим. Сўнг Душанбега келдим. Лақай (Душанбе кенти ёнидаги Ленин тумани улуси деярли юз фоиз лақай эди) ўзбеги, журналист Неъмат Иброҳим билан Душанбени айландик. Шунда аввалгига нисбатан (олдин ҳам бу кентда уч марта бўлганман) туркча кўнишувлар камайганини сездим. Бунинг боисини Неъматдан сўрадим. У бир сўз демади. Афтидан чўчиди. Фақат суқ бармоғини осмонга нуқди...

Эски танишим, касбдошим шоира Гулрухсор Сафиевани кўриш учун Гулистон сўкоғида жойлашган Тожикистон Маданияти фонди (Гулрухсор раиси эди)га бордик. Одатдагидек Гулрухсор мен билан ўпишиб кўришди. Тошкентни эслади. Мен уни яхши кутиб олганимни, “Ўзбекистон”дай отелга жойлаштирганимни, кўркам хиёбонларда сайр қилганимзни эслади. Назаримда, армон билан.

Фақат бир сўзингизда турмадингизда, Мамадали, — деди, — мени Чустга олиб бормадингиз.

Бу келганингизда, албатта, Гулрухсор.

Умид қиламан.

Каримовнинг олдида чиққанини эслади. Назаримда, қувониб.

Қаранг-а, Ислоҳ аканинг онаси тожик, отаси ўзбек эканлар, —

хонимнинг ҳали ўз жозибасини йўқотмаган кўзларида севинч учкунлари акс этди.

Сўрадингизми?

Ҳа, гапдан-гап чиқиб.

Неъмат Иброҳим фонд остидаги (2 қатли бино) чойхонага ош айтиб қўйган экан. Тушдик. Официант ўспирин нон, бодринг, помидор, кўкат ва минерал сувлар билан безатилган столга бир товоқ палов олиб келди. Серэт, серсабзи, хил-хил пишган. Мен беихтиёр Неъматдан

**Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-20**

сўрадим:

Ўзбекча ошми?

Ошпазлар ўзбек-да.

Гулрухсор унга маъноли боқди ва назокат билан, аммо сезилмайдиган даражада норози оҳангда деди:

Тожикистон деймиз-у, ҳар ерда ўзбеклар, фақат тоғли Бадахшонда, билмадим?

Улар ўзи тожикми?

Тожик ёзилади.

Нега бўлмаса афтономия?

Ҳозир матбуотда шу масала кўтарилаяпти.

Ғалаги...

Юз тузилишларидан уларни руслардан, айримларини эса Македон, юнонлардан ажратолмайсиз.

Тиллари тожикчага яқинми?

-Гулрухсор ўйланиб қолди. Неъмат унинг ўрнига жавоб қайтарди:

— Осмон қадар...

Бадахшонликлар туб тарихлари мубҳамқуйидаги қавмлардан иборат. Шуғнон, Рушон, Вахон, Ишқошим, Мунжон, Язғулон, Сарикўл, Хуф, Рашорс, Санлич, Юнгон, Ванж, Зибак, Горон, Дарвоз. Яна Тоғли Бадахшоннинг Хитой томонидан Ршт деган улус ҳам бор. Улар уйғур туркчасига сўзлашади. Сарикўл турк уруғи, форслашган. Бу қавмлар ҳатто бир-бирларининг тилларини ҳам тушунмайдилар. Худди Доғистон эллари каби. Форсчага эса бир сўзи ҳам тўғри келмайди. Фақат мактабларда ўқиганларигина тожикчани билишади.

— Ўз тилларида мактаблари йўқми?

— Йўқ, фақат тожикча. Уларнинг динлари ҳам бошқа, Исмоилий. Номоз ўқишмайди. Раҳномалари Оғахон, Покистонлик, Англияда яшайди.

— Бундан чиқди бадахшонликлар тожикка қондош ҳам, тилдош ҳам, масхабдош ҳам эмаслар?

— Мутлақо. Таҳмин қилишларича, уларнинг бир қисми бактрияликларга, бир қисми Македон — юнонларга, бир қисми кушонларга, яъни эски туркларга бориб тақалади. Ичида Сака (сак, Массает, скиф)лари ҳам бор.

— Ҳозирда улар ўзларини қандай номлар билан аташади?

“Помирлик”, “Бадахшонлик” дейишади. Уларнинг ери чексиз. Тожикистон худудининг деярли ярмини (45 фоизини) ташкил этади. Тоғли Бадахшон шундай улуг худудни ишғол этса ҳам, бор йўғи у 1 шаҳар, 7 туманни ўз ичига олади. Биласиз, бошкентини Хоруг дейишади.

— Паспортларига тожик ёзилади-да?

— Политика-да... Лўлиларнинг ҳам бир қисми ўзбек, бир қисми тожик ёзилаяпти-ку, шунақада. Бунга Ўзбекистон арабларини ҳам мисол келтириш мумкин.

-Шундайми? Боядан бери жим ўтирган Гулрухсорни гапга тортдим.

— Шундайроқ, — деди у истамайроқ, — аммо ҳозир тожиклашяпти.

-Ўзбеклар-чи?

— Йўқ, айрим раҳбарлик лавозимлардагилар ҳисобига олинмаса.

— Мажбуран тожиклаштирилаяпти, деб эшитаман?

— Ёлғон.

— Паспортларига ёзилгани билан форс бўлиб қолмайди-ку, — гап қистирди Неъмат Иброҳим.

“Ўзбекка, ўзбек тилига босим кучлигидан эмасми?” демоқчи бўлдим. Бироқ “Ортиқча гап эшакка юк” деган мақолни эслаб, фикримдан қайтдим.

— Ош совуб қолаяпти, дўстларим, — деди Неъмат Иброҳим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Оз-оздан “Оқ лайлак“ отли коньяк ичдик.

Палов едик.

— Бугун Душанбеда қолинг , — деб қистади Гулрухсор.

-Жон деб қолардим Гулрухсор, лекин эртага бир азиз дўстим — Ёқуб Турон чет элдан келади. Шунга чипта олиб қўйгандим, узр.

Шу куни Тошкентга учдим...

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-20

Ўткир Ҳошим Ғовғоси

Йўлдошларим

Южел Танай ва

Ҳакан Жошқунарланга

Менинг танам бутундир,

Ичим тўла тутундир.

Эл ўлани

Ундан кўра, иблис бўлсанг,

Исминг жисмимда

Мунча нафрат уйғотмасди...

Шекспир

Балки тузалмоқчи бўлса ҳам

олчоқ,

Макруклиги асти бўлмагай

адоқ...

Бедил

Мавзуга қайтаман. Ўзбек — тожик халқлари орасини бузувчи, Оврўпача айтганда, интириган Р. Масовнинг бошдан-оёқ турк эли ва унинг тарихига қарши тухмат билан ёзган “История топорного разделения” китобидан мисоллар келтираман:

“... Прошлом, кроме таджиков, никто из населяющих Среднюю Азию народов не имел целостной однородной государственности”.

“... При Народном Комиссариате поделам национальностей Турк республики в 1919 г. были созданы национальные отделы: “узбекский, туркменский, киргизский, азербайджанский, армянский, татарский, персидский, украинский, еврейский, туземно — еврейский”. Как видим, таджикский отдел среди них отсутствовал, хотя по численному составу и компактному проживанию во многих городах и районах Туркестанской АССР таджики превосходили все вышеперечисленные народом”.

“Из современных обитателей Туркистана прямыми потомками коренных арайцев являются только таджики”.

“Из всех жителей Средней Азии

таджики являются древнейшим и просвещеннейшим народом, и взлетами многовековой культуры, развитием земледелия, градостроительства Средняя Азия обязана им”.

“Пантюркисты “ историческое деление турков на татар, киргиз, туркмен, башкир, казахов и т.д. объявляли искусственным делением, и все стремления к подлинно национальному самоопределению татарских, киргизских, узбекских и

туркменских масс признавали

“Неправильным” с точки зрения якобы национального единства всех туркских народов... Проводилась туркизация школ на основе сочетания турецких и татарских слов, ибо именно турки и татары были инициаторами реформ в области народного образования”.

“Когда в 1920 г. Была утверждена Конституция Туркестанская республики, то коренными национальностями её были признаны только Киргизы, узбеки и тркмени, таджики, были забыты”.

“Вся высшая партийная и советская структура государственной власти республики, возглавляемая местными руководителями, была подвержена пантуркистской идеологии. Об этом свидетельствует их стремление к организации единой “Туркской нации” попытки создания “Туркской республики... Их главным лозунгом стал слова “Туркестан для Турков”.

“Вся это антиязыковая, антитаджикская политика проводилась вопреки очевидным фактам истории, здравому смыслу. Вед не для кого не было секретом, что прекрасный мелодичный таджикский язык на протяжении многих веков был и остается языком межнационального общения всего Востока. Государственным языком всех государственных и национальных образований в Средней Азии вплоть до национального территориального размеживания был таджикский язык”.

“Антитаджикская политика пантуркистов и великоузбекских шовинистов проводили к негативным результатом. Видя, что руководящие посты в первую очередь предоставляются лицам туркского происхождения, что

в общеобразовательных школах преподавание ведется на узбекском языке, многие таджики, беспокоясь за свое будущее своих детей, остались записываться узбеками”.

“Попустительство узбекофицированных таджиков, их космополитизм обошелся таджикскому народу очень дорого. Вначале он лишился своего языка, затем образования самостоятельной республики, историко культурные национальные территориальные разграничения правело к тому, что древнейшие таджикские города, области и районы, вошедшие в состав Узбекской ССР, были обречены на систематическую, насильственную узбекизацию путем подделки документов, угрозы высылки за пределы родных, исконно принадлежавших таджикам мест, путем закрытия школ на таджикском языке под разными выдуманскими причинами, выдвижения на руководящую работу по национальной принадлежности и.т.д.”

“Неясно, почему В.И. Ленин в своих замечаниях, упомянув о составлении этнографической карты “Туркистана с поздравлением на узбекскую, Киргизаю и Туркмению “ не упомянул другие народы, живущие в Средней Азии, в том числе таджиков, один из древнейших, коренных народов не только Средней Азии, но и всего Востока”.

“К практическому решению национально территориального размеживания Средней Азии приступили в начале 1924 г. Вскоре после состоявшегося очередного XII съезда РКП (б), рассмотревшего национальный вопрос и возникшие трудности в его решении в некоторые регионах страны и особенно в республиках Средней Азии, 25 февраля 1924г Расширенный пленум ЦК Бухарской компартии обсудил вопрос «О размежевании Советской Средней Азии наряд республик по национальному признаку». Затем 10 марта 1924 г. Тезисы по данному вопросу в окончательном виде были утверждены Исполбюро ЦК БКП. В них предусматривалось образование двух союзных республик Узбекской и Туркменской. В отношении таджиков в тезисах говорилось: «Народность таджиков образует изМатчи, Каратегина и Гарма автономную Таджикскую область в составе Узбекистана — Бухары»

(Давоми келгуси сонда)

Сўнги кунларда Ўзбекистон аҳолиси газ таъминотидаги узилишлардан азият чекмоқда ва бу ҳақда нафақат ижтимоий тармоқлар, балки расмийларга яқин оммавий ахборот воситалари ҳам хабар беришмоқда.

Мисол учун, “12news.uz” Самарқандда табиий газ тақчиллиги ҳақида хабар тарқатмоқда: мана уч кун бўлибдики, шаҳарнинг кўплаб маҳаллаларида газ йўқ, бор жойда эса жуда паст босим билан келяпти. “Самарқанд шаҳар газ филиали одамларга тўлиб кетган. Ҳамма газ етказиб берилишини талаб қилмоқда”, — деб ёзди самарқандлик журналист Тошпўлат Раҳматуллаев. Унга кўра, шаҳар газ идораси раҳбарлари газнинг пасайишини об-ҳаво совиб кетиши билан изоҳляптилар, яъни, шаҳарга аввал қанча газ келган бўлса, ҳозир ҳам шунча келяпти, аммо унинг сарфи кўпайиб кетган ва оқибатда босим пасайган. Бироқ тез орада ҳаммаси жойига тушади, чунки “Ўзтрансгаз” компаниясига шаҳарга ва вилоятга етказиб берилётган газ миқдорини кўпайтириб бериш тўғрисида мактуб жўнатилган.

Шу вақтнинг ўзида “Uz24.uz” хабар беришича, Ўзбекистон пойтахтининг кўплаб туманларида ҳам газ босими пасайган. Бу ҳақда Фейсбук ижтимоий тармоғидаги “Жамоатчилик назорати” (“Общественный контроль”) гуруҳининг иштирокчилари хабар беришмоқда. Фойдаланувчилардан бири “Чилонзорда, аниқроғи Дўмбирободда газ босими паст, кимда қанақа?” деб ёзди ва постга фотосуратларни қўшиб қўйди.

Ушбу постга қўйилган шарҳларда гуруҳ иштирокчилари худди шунақа муаммолар пойтахтнинг Учтепа, Юнусобод, Яккасарой, Миробод, Чилонзор туманларида ҳам пайдо бўлганини маълум қилдилар. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилардан кўпининг таъкидлашича, бу каби вазият ҳар йили қайта-қайта такрорланиб келади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу пост “Общественный контроль” саҳифасидан ўчириб ташланган.

Ўзбекистонда табиий газ таъминоти муаммоси ҳақида “Фарғона” олдин ҳам бир неча бор ёзиб келган ва афтидан бу муаммо кўп йиллар давомида долзарблигича қолиб кетадиганга ўхшайпти. Бироқ бу муаммо республика



Ўзбекистон аҳолиси газ таъминотидаги узилишлардан азият чекмоқда

расмийларини асло ташвишга солмаётганга ўхшайди, чунки улар айна пайтда Марказий Осиё-Хитой газ қувурининг тўртинчи тармоғини қуриш борасида қайғурмоқдалар. Эслатиб ўтамиз, 2010 йилда “Ўзбекнефтегаз” билан Хитойнинг CNPC компанияси ўртасида Хитой Халқ Республикасига йилига 10 млрд куб метр табиий газ етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганди.

Ўзбекистонда табиий газ қазиб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайиб бораётганига қарамай республика раҳбарияти табиий газ экспорти ҳажмини кўтариш иштиёкида юрибди. Буюк Британиянинг British Petroleum (BP) нефтегаз компанияси ҳар йили тузадиган рейтинг маълумотига кўра, 2010 йилда республикада 59,1 млрд куб метр, 2011 йилда – 57 млрд (“Ўзнефтегаз” маълумотига кўра – 63,036 млрд), 2012 йилда – 56,9 млрд, 2013 йилда – 55,2 млрд табиий газ қазиб чиқарилган.

Ички бозордаги аҳвол ҳақида сўз юритиладиган бўлса, 2015 йил сентябрда “Ўзбекнефтегаз” мамлакат газ-транспорт тизими кузги-қишки мавсумида ишлашга тайёр, деб билдирди: “Жумладан, узунлиги 61,2 км га тенг газ қувурлари капитал таъмирланди, 82,9 км узунликдаги газ коммуникациялари реконструкция қилинди, узунлиги 6 534,3 км га

тенг газ қувурларида синов ишлари ўтказилди, умумий узунлиги 5 185,8 км ни ташкил қиладиган ерости газопроводларнинг техник ҳолати ўрганиб чиқилди. 2015 йил 23 сентябр куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида соҳа мустахассислари ушбу рақамларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Таъкидланганидек, жорий йили «Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси томонидан республикамизда 20 та газ тўлдириш шохобчалари (ГТШ) қурилиб, ишга туширилган, аҳолига 527 963 та газ баллонари тарқатилган.

Шу билан бирга, жорий йили Акциядорлик компания жамоаси яна 14 та ГТШ қуриш ва фойдаланишга топшириш ҳамда аҳолига қўшимча 306 мингтадан ортиқ газ баллонларини тарқатишни режалаштирган.

Шунингдек, тадбир давомида тармоқ корхоналари кузги-қишки мавсумда барқарор фаолият юритишга шайлигидан далолат берувчи қатор бошқа муҳим рақамлар ҳам келтирилди”, деб ёзди республикадаги газ таъминоти учун масъул бўлган ташкилот. Газ таъминот корхоналари чиндан ҳам кузги-қишки мавсумда узлуксиз ишлашга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



тайёр дея тахмин қилайлик, аммо Ўзбекистон аҳолиси томонидан газ тақчиллиги тўғрисидаги гапларни эшитиб, уларга кимдир ҳалақит бeryаптими, деган савол туғилади. Ким экан у, ҳалақит бераётганлар?

“Ўзбекнефтегаз” ўз сайтининг бош саҳифасида фахр ила “МХКнинг ишлаб чиқариш қувватлари йилига 60-70 миллиард куб метр табиий газ ва 8 миллион тонна суюк углеводородлар қазиб олиш имконини беради. Мазкур кўрсаткичлар туфайли “Ўзбекнефтегаз” МХК табиий газ қазиб чиқариш бўйича жаҳонда 11-ўринни эгаллаб турибди”, деб маълум қилади.

Унда ушбу табиий ресурсларни экспортга чиқараётган мамлакат аҳолиси нега газ таъминотидаги тақчилликлардан азият чекади? Кўп жойларда аҳоли аллақачон кўмир, ўтин, тезак ёқишга ўтган. Расмийлар эса аждодаларга хос ёқилгига қайтиш ғоясини кўллаб-қувватламоқдалар.

Мисол учун, “Ўзбеккўмир” акцияорлик жамияти бош директорининг ўринбосари Носиржон Умаров куни-кеча Ўзбекистонда кўмир брикетлари ишлаб чиқарувчи 30 та фабрика ишга туширилгани ва уларнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 240 минг тоннада тенглигини маълум қилди. Фабрикалар Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон республикасида жойлаштирилган.

Бир тонна кўмир брикетларининг чакана савдо нархи 238 минг сўм белгиланган (МБ курси бўйича \$89, “қора бозор” курси бўйича — \$47). 2015 йилда Ўзбекистонда аҳолига 183 минг тонна кўмир ва 27,5 минг тонна кўмир брикетлари сотилар эмиш...

Манба: “Фарғона” АА

Обидхон Қори Назаров жонига суиқасд уриниши юзасидан тергов жараёни охирига етмоқда

Швецияда таниқли ўзбек имоми Обидхон Қори Назаров жонига суиқасд уриниши юзасидан олиб борилаётган тергов жараёни охирига етмоқда.

Прокурор Кристер Петерсоннинг айтишича, маҳкама ноябр ойи охирида бошланиши мумкин.

Суиқасд уринишини амлага оширишда гумон қилинаётган шахс, Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковский шу йил август ойи охирида Россиядан экстрадиция қилинганди.

Суиқасд уриниши 2012 йил 22 феврал куни Обидхон қори Назаров ўз ўйи йўлагида пешин намозиға кетаётган вақти амалга оширилган.

Прокурор Кристер Петерсон Би-би-си Ўзбек хизмати билан тергов тафсилотларини ўртоқлашди.

Кристер Петерсон: Бугун Жуковский иши бўйича навбатдаги маҳкама тингловида уни ҳибс остида ушлаб туриш ва тергов ишини яқунлаш учун яна 2 ҳафта муҳлат берилди. Биз тергов жараёнининг охириға етиб қолдик. Жуковский билан яна баъзи суҳбатларни ўтказгандан сўнг мен унга қарши айбловларни илгари суриб, ишни маҳкамға оширишға тайёр бўламан. Умидим шуки, унинг устидан маҳкама жараёни ноябр охири, декабр бошларида бошланади.

Би-би-си: Жуковскийнинг Швецияға экстрадиция қилинган вақтдан бери икки ойдан ошироқ вақтда тергов қандай маълумотларға эга бўлди?

Кристер Петерсон: Менинг фикримча тергов томонидан анчайин қатъий далиллар бор. Қўлимизда техник далиллар, унинг кимлар билан гаплашгани рўйхати, жиноят еридан топилган рюкзак ва қуролдаги ДНК маълумотларини текшириб кўрдик. Бу далиллар анчайин қатъий деб ҳисоблайман.

Би-би-си: ДНК текширувлари қандай натижа берди, унинг ДНКси жиноят еридан топилган рюкзак ва қуролдаги ДНКға тўғри келганми?

Кристер Петерсон: Биз аввал ҳам билган эдикки, жиноят содир этилган шаҳарчадаги ижарға олинган хонада яшаган шахс қолдирган ДНК маълумотлари жиноят ерида қолдирилган рюкзакдаги ДНКға мос эди. Жуковский Швецияға етиб келгандан кейин ундан ДНКси олиб текширилганда ўша ижардаги хона ва рюкзакда қолдирилган ДНКға мос тушди. Обид қорига суиқасд уринишда ишлатилган қуролдан ДНК маълумоти топилмаган, лекин бу қурол ўша рюкзак ичида эди.

Би-би-си: Жуковский телефон орқали боғланган шахсларни ҳам аниқладик дедингиз, улар кимлар экан?

Кристер Петерсон: Улар бу иш билан боғлиқ маҳкамға тортилган,

лекин оқланган икки шахс ва Швециядаги яна бир шахс билан боғланган. Биз уни ҳам сўроқ қилдик. У шунингдек Москвадаги бир рақам ва Ўзбекистондаги 2-3 киши билан ҳам боғланган. Лекин улар кимлар, турмуш ўртоғими ёки бошқаси, биз билмаймиз. Чунки Ўзбекистон томонига бу борада юборган қатор сўровномаларимизнинг ҳаммаси жавобсиз қолган. Дастлабки сўровни 2013 йилнинг феврал ойида жўнатгандим. 2013 йил июн ойида Ўзбекистон томонидан бу сўровларни қайси қонунуий асосда юбораётганим ҳақида мактуб келди. Бу мактубни Олмониядаги элчихонаға юборишган, элчихона Швеция Ташқи Ишлар вазирлигига оширган ва вазирлик менға. Ишонишимча, мактуб Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан юборилганди. Мен ҳамма қонуний асосларни очиклаб, уларға жавоб ёздим. Шундан сўнг қайта-қайта юборган сўровномаларимға умуман ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Би-би-си: Демак Ўзбекистон томони тергов жараёни очилгани ҳақида билишган, илк саволларни бериб буни аниқлаштиришган ва шундан сўнг ё қизиқишни йўқотишган, ё ўзларини узоқ тутишға қарор беришган?

Кристер Петерсон: Мен ҳатто Ўзбекистон учун масъул Швеция элчисидан икки мартаба бу масалани кўтаришни сўрадим, у менинг илтимосимни бажарган, лекин барибир бирон жавоб олмаган. Мана шу ҳолат менда суиқасд урунишини амалға оширган шахс Ўзбекистон томонидан юборилганлиги ҳақидаги шубҳа-гумонларға етакламоқда.

Би-би-си: Жуковскийнинг ўзи ДНК ва бошқа далилларни қандай тушинтиряпти? Воқеаларнинг ўз талқини борми унда?

Кристер Петерсон: Қисқа жавоб шуки, у ҳеч қандай изоҳ бераётгани йўқ. Фақатгина айбини рад этмоқда. Лекин менинг фикримча, унга қарши далиллар анчайин қатъий.

Би-би-си: Тергов жараёнида муттасил равишда унинг ҳимоячиси борми?

Кристер Петерсон: Ҳа, Швеция қонунларига мувофиқ бировға нисбатан жиноий иш очилиши билан маҳкама томонидан унга ҳимоячи тайинланади. Жуковскийнинг ўзи бошқа бирон ҳимоячини ёллаш истагини билдирмаган. Ноябрь ойи бошларида мен тергов жараёнини охириға етказиб, маҳкамға топшираман, кейин Жуковский ва унинг ҳимоячисига тергов хулосаси билан танишиб чиқиш учун вақт берилади ва улар маҳкамға тайёр эканликларини маълум қилишлари билан маҳкама жараёни бошланади.

Манба: www.bbc.com/uzbek

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— ҳозир сенга зўр жойни кўрсатиб бераман! — деди назоратчи эшикни ичкаридан тамбаларкан. — Фақат тезроқ бўлайлик! Худо кўрсатмасин, майорми, ходима қизими келиб қолса, адои тамом бўламиз.

У шоша-пиша стол устидаги тугмачалардан бирини босди. Энди экранда каттакон хона намоён бўлди...

Хона ўртасидаги столда...

Турма бошлиғи... Унинг тиззасида эса...

Елена эркаланиб ўтирарди.

Турма бошлиғи унинг оппоқ сийнасини эзғилар, ҳар эзғилаганда Елена нуқул қиқирлаб кулиб ўзини орқага ташлаб оларди.

Бу манзарани кўриб аввалига кўзларимга ишонмадим. Бир неча марта кўзларимни юмиб очдим. Бошимни силкиб-силкиб олдим.

Йўқ, бу ҳақиқат эди. Мен севган, ардоқлаган, чехрасини хаёлан тасаввур этганда руҳланиб кетадиган аёл ҳамон бегонанинг бағрида ўтирарди...

— Менда қасдларинг бормиди? — қаршимдагиларга ўкрайдим. — Нега индамайсанлар? Гапирларинг!

— Узингни бос! — биринчи бўли тилга кирди Гога. — Сени оғохлантриб қўймоқчи бўлдик холос. Бемаъни аёлларнинг ортидан чопиб юрмагин дедик!..

— ҳа, Мурод, Гога тўғри айтаяпти. — гапга аралашди назоратчи. — Сен тартибли аристонсан. Сенга бунақанги ишлар ярашмайди. ҳали жазони ўтаб чиқсанг, манаман деган қизлар орқангдан чопиб юришади. Мана кўрасан!..

— Хўп, кетдик! — дедим назоратчига. — Мени камерага олиб бор!..

Аксига олгандек, камерага кириб келганимда, ниманингдир сасиган ҳиди димоғимга гуп этиб урилди. Тугокиб кетдим. Оғзимни кафтларим билан ёпганча Сергейнинг тепасида пайдо бўлдим.

— Вей, нима сасияпти? — жимгина ҳожатхона ёнида ухлаётган Сергейни тепиб қичқирдим. — Тур ўрнингдан, хунаса! Нимага камерада тартиб йўқ?..

Сергей тепки зарбидан жони чикқудек сакраб ўрнидан турди ва букчайганча ер остидан менга қўрқув аралаш тикилди.

— Нега қаққайиб қолдинг?

— Анави... Қариянинг... Қорни оғриб... — зўра тутулиб жавоб бера олди Сергей. — Шунга...

Бу гапни эшитиб қария ётган каравотга яқин бордим. У аллақачон пастга тушиб улгурган ва айбдорона бош эгиб жим турарди.

— ҳеч бўлмаса тамаки тутатиб юбормабсан-да! — сал овозимни пасайтириб қарияга танбеҳ берган



Зулматдаги умр-18

бўлдим. — Шунчалик саситадими одам?..

— Кечир, болам, кечир! — қария гуноҳ иш қилиб қўйган бола каби аранг гапира олди. — Кексалик курсин, кексалик!

— Бўпти, ёт ҳамманг! Бўлар иш бўпти!

Аскарлар каби қаддини ғоз тутиб турган аристонларга бир-бир қараб олиб каравотга ўзимни ташладим ва пардани тортдим.

4 декабрь

Бугунги тонг мен учун унутилмас десам хато бўлмайди. Этапга кетишимни эшитиб Елена тўғрисидаги хаёлларни ҳам унутгандек бўлдим. Камерадошлар жемперимнинг чуватилган ипларини елкамдан ошириб ташлашди. Бу йўлим ойдин бўлишига бир тилак эди.

ҳаммалари билан (Сергейдан ташқари) кўришиб чиққач, назоратчи мени сўнгги бор машинага кузатиб қўйди.

Машинада мендан бўлак яна тўрт аристон ўтирарди.

Эшик ёпилгани ҳамона улардан бири халтасидан бир шиша ароқ чиқарди ва қаердандир ўғирланган темир кружкага қўйиб навбати билан барчамизни сийлади.

— Биз озодмиз! — бақирарди бизни ароқ билан сийлаган, элликлар атрофидаги аристон. — Энди ўзимизга хон, ўзимизга бекмиз!..

Тўғри, унинг ўзини озод дея аташга ҳаққи бор эди. Негаки, уни назорат кучайтирилган турмага эмас, умумий колонияга олиб кетишади. Фақат менгина турмада қоламан. Шундай экан, озодман

дейишга балки эртадир?.. Башарти, қочиш насиб этса, режаларимни амалга оширишга имкон туғилса, озодлик ҳавосидан нафас олишим мумкин... Унча...

Барибир кўнглимни чўктирмадим. Биламан, ҳақиқий турмада ҳаёт барибир бошқача кечади. У ерда жиноятингга кўпроқ қарашади. Шунга кўра ҳурматга, ўз ўрнининг эга бўласан...

Хуллас, ҳақиқий турмага етгунча қўшиқ айтдик, кўнглимизни хушладик...

Деярли кун бўйи умрим машинада ўтди. Бу орада қолган тўрт аристонни қаерлардадир қолдиришди. Ичкарида фақат менгина қолгандим...

Зерикибми, кўзим илинибди. Машинанинг силкиниб тўхтаганидан уйғониб кетдим. Шу орада эшик ҳам очилди.

— Қани, туш пастга! — буюрди мени олиб келган лейтенант. — Этиб келдинг уйингга, каллакесар!..

Янги турманинг кўриниши наригисидан деярли фарқ қилмасди. Фақат уёқда машина бир дарвозадан ўтиб иккинчиси рўпарасида тўхтади, бу ерда иккита дарвозадан ўтаркан.

Мени кутилганидек, ит етаклаган аскарлар ва турма назоратчиси, яна қандайдир баланд бўйли капитан қўлларидан чарм таёқларини ўйнатган ҳолда "қарши" олишди.

Қоидага кўра икки қўлимни орқага қилиб, гавдамни эгганча ичкарига қараб чопишим лозим эди. Бироқ негадир бу ишни мендан талаб қилишмади.

— Қани, юр! — сал дағдағали оҳангда буюрди капитан.

Юрдим. Бу ерда ҳам бармоқ изларимни олишди, суратга туширишди. ҳамма амаллар адо этилгач, камерага олиб киришди.

Камера кенг ва анча шинам эди. Кирганимданоқ бир четда ўтириб астойдил қартабозлик қилаётган аристонлар даст ўринларидан туришди.

Фақат соқолларигача оқ тушган, сочи қириб ташланган, ёши тахминан эллик бешларга боргани қимирламай ўтирганча мени бошдан оёқ кузата бошлади.

— Шумикан ҳурмати баланди? — хаёлимдан ўтказдим аристонлар билан бирма-бир кўришиш асносида. — Исмини Женья деганди Гога. Нима қилай? Бориб кўришимиз лозимдир ҳойнаҳой!.. ҳарқалай, ҳурматли аристон-ку!..

Шошилмасдан бориб унга салом бердим.

— Кимсан? — сўради у қўлимдан Гоганинг хатини олиб кўз югуртираркан.

— Муродман!..

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Женя масҳараомуз тиржайди.
— Сендан турмадаги исмингни сўраяпман!

— Қаллакесарман.

— У, зўрсан-ку!

У ўрнидан кўзғалиб менга жуда-жуда яқин келиб кўзларимга совуқ тикилди.

— Нечтасини тинчитгансан?

— Еттитасини.

— Менга учта дейишди-ку!

— Тўрттасини бўйнимга қўя олишмади.

— Шунақами? Яхши... Билиб қўй, Гоганинг хатини ўқидим. Лекин биргина хат сени ҳурматга лойиқ деб тан олишим учун камлик қилади. Аввал паханга, кейин озодликдаги братваларга мактуб ёзиб аниқлашим керак. Агар улар сени тан олишса, омадинг келгани. Тан олишмаса, иложим йўқ... Бошқалар қатори яшайверишинга тўғри келади... ҳозирча ҳов анави иккичи қаватдаги каравотга жойлашасан.

Тортишиб ўтирмадим. Индамасдан бориб қўлимдаги кўрпа-ёстикни кўрсатилган каравотга ташладим.

Шу кеча уйқум қочди. Негадир юрагим ғаш тортиб, беҳузур бўлавердим. Камера дарчасидан кўкдаги юлдузларни томоша қилганча ўй суриб ўтирдим. ҳа, қор тиниб, осмонни юлдуз босибди. Демак, ҳаво очиқ. Аммо Россия қишида ҳаво очилдими, кучли совуқ бўлиши тайин. Бундай кечаларда қалин ўрмонда қолиб кетсанг борми, адабингни ейсан. Қаҳратон нақ жонингни суғуриб олади.

— Нега ухламадинг? — кимнингдир товушидан хаёлим қочиб орқамга ўгирилдим.

Женя экан.

— Юрагим сиқилаяпти. — дедим бош қашиб. — Болалигимдан янги жойга кўника олмай қийналаман.

— ҳечқиси йўқ, — деди Женя. — Эртаданок ишга чиқсанг, кечқурунга бориб тош қотиб ухлайдиган бўласан.

— Ишга?.. ҳа-я...

Унутган эканман. Ахир, мен "СИЗО"дамас, ҳақиқий турмаданан-ку!..

— Айтганча, Женя, нима иш қиламиз ўзи?

— Россияда нимаям қилардинг? Ўрмон кесасан-да!.. Дарахтларни кесиб, қирқиб, тахлаб, берёга оқизамиз. Бироқ иш жуда қаттиқ. Тепангда назоратчилар итдек акиллаб туришади. Биргас нафас ростлашга изн беришмайди.

— Буни ҳали кўрамиз. — дедим хотиржам. — Аристон ҳам одам. Пича нафас ростлашга, дам олишга ҳақи бор.

— Йўқ, — бош чайқади Женя.

— улар учун биз одам эмас, жиноятчимиз. Жиноятчини эса улар жуда-жуда ёмон кўришади.

— Женя, бир нарса сўрасам майлими? — суҳбатдошимга тикилдим.

— Сўрайвер! — деди Женя.

— Қанчадан бери турмадасан? Нега қамалгансан?

— Менми?.. — Женя совуқ кулимсираб, бошини эгди. — Бунинг тарихи узоқ... Эҳ, ҳозир хомчўт қилиб кўрсам, ўн йилдан бери турмада эканман.

— ҳали муддатинг тугамадими?

— Неча марта тугасин? Энди озодликка чиқишим яқинлашганда, аблаҳлар нимадир қилишади-ю, бўйнимга бир-икки йилни илишади... Душманларим кўп, йигит, душманларим!

— Қизик, — елка қисдим. —

Зулматдаги умр-18

одам шунчалик шафқатсиз бўлиши мумкинми?

— Шафқатни гапирасан-а!.. Мана, ўзинг одам ўлдираётганингда шафқат ҳақида ўйлаб кўрганмисан?

— Менми?.. Йўқ.

— Ана, кўрдингми? Сен-ку, ҳар ҳолда виждонли, ҳалол йигитга ўхшайсан. Менинг душманларим эса унақамас. ғирт маҳлуқнинг ўзи. Уларга пул, шуҳрат керак.

— Нега қамалганингни айтмадинг.

— ҳа, ҳарқалай фаришта эмасман. Болалигимга ҳавас қилиб бўлмайди. Отам ҳам, онам ҳам пиёниста бўлишган. Худонинг берган кўни уйимиз шовқин-суронга тўларди. Қаёқдаги пиёнисталар йиғилишиб, айш-ишрат қилишарди. Мен ўшанда етти яшар бола эдим. Эсимни таниб қолгандим. Кўнига беш-ўн марта дўкондан ичкилик ташийвериш жонимга текканди. Ишонасанми, ўзлари ичкиликка қаердан бўлмасин, пул топишарди-ю, менга ҳатто битта музқаймоқ олиб беришмасди. Қишининг совуқ кўнларидаям минг ямоқ, эски-туски кийимларда юрардим. Охири уйдан қочиб кетдим. Ота-онам қидиришганми-йўқми, билмайман. Бошқа шаҳарга поездга осилиб бордим. ҳаёт курашишга мажбур қиларкан. Қорин тўйдириш элинжида ўғирлик қилиб кўрдим. Эпладим. Уша-ўша бошқа ишга бўйним ярамайдиган, фақат бировларнинг чўнтагига кўз соладиган бўлиб қолдим. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, бирор марта кўлга тушиб қамалганман. Ёшга етгунимча майда-чўйда ўғирликлардан нарига ўтмадим. Аммо анча-мунча пул жамғардим, таниш-билишим

кўпайди. Кўнларнинг бирида менга "Қатта пул ташлаб, "Қонундаги ўғри"(Вор в законе) бўл, шаҳар қўлингда бўлади. Сен шу мансабга жуда лойиқсан" деб қолишди. Узинг ўйла, кимга ёқмайди бу гап. ҳаракатга тушдим. Жиноят кўчасининг энг катталаридан бирига бориб учрашдим, дардимни айтдим. У бўй-бастимни кўздан кечирди, ишимизга оид турли саволлар берди. Хуллас, имтиҳон қилиб кўрди. ҳамма саволларига жавоб бердим. Бир ҳафтадан сўнг "Қонундаги ўғри"(Вор в законе) ларни бир ташландиқ бинога йиғиб у менга тож кийдириш маросимини ўтказди. Шундан сўнг мен ўзим майда-чўйда ўғирликлар қилиб катта бўлган шаҳарнинг ўғрибошисига айландим. Шаҳарда адашмасам, уч юз ўғри бор. Улар кўнига менга улўш ташишарди. Шоҳона ҳаёт кечира бошлагандим. Афсуски, душманларим ҳам борлигидан беҳабар қолдим. Мени қаматиб юборишди. Тўплаган бойликларни давлат фойдасига мусодара қилиб юборишди.

— Турмада-чи? Нега турмага "пахан" эмассан?

— Айтдим-ку, душманлар етарли деб! ҳозирги пахан ҳам ўшаларнинг ҳамтовоғи, Мени кўришга кўзи йўқ. ҳар гал бўйнимга муддат илишларида ўшанинг ҳам қўли бўлса ажабмас!..

— ҳа-а, сениям дардинг меникидан кам эмас экан. — дедим. — қанийди, кўлимдан келса, сенга ёрдам берсам!..

— Қўлингдан келади. — кутилмаганда елкамга кўлини ташлади Женя. — Кўндузги гапимга хафа бўлма. Бошқа аристонларнинг олдида фақат адолат билан иш юритишга уринаман. Шундай экан, ишон, ҳаммаси яхши бўлади. Худо хоҳласа, братвалар сени тан олишса, ана ундан кейин маслаҳатли гапларни бир-бир гаплашаверамиз. Айтганча, улар тан олишгач, сени бошқа камерага ўтказишади. Уша камерага ўзинг бош бўласан.

— Ишда-чи? Бирга бўлашимиз?

— Хотиринг жам бўлсин, ишга биргаликда бориб, биргаликда турмага қайтамиз. Ишдан ташқари, сайрга чиққандаям гаплашиб олишга вақт топилади.

— Сен, Женя, қочимизга ёрдам беришинг лозим. — дедим овозимни ҳийла пасайтириб.

— Э, ҳали қелиб улғурмасингдан қочимизни мўлжаллама! Фурсат топилади. Олдин турманинг шарт-шароитини, баланд-пастини яхшилаб ўрган. Ана ундан кейин бир гап бўлар. Хўп, энди ётиб ухла! Эрта уйғотишади.

(Давоми келгуси сонда)

ХАЗОРАСПНИНГ СЕНАТОР ҲОКИМИ “МОТ”НИ ҚАНДАЙ МОТ ҚИЛДИ? (3)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— Биз нега энди Меҳнат вазирлигига, Касаба уюшмалари катталарига бўйсунушимиз керак? Улар ким бўпти? Биз Ички ишлар вазирлигига бўйсунамиз. Қайсидир вазирликлар, қандайдир федерация, уюшмачалар варақа тарқатиб, мажбурий меҳнат таъқиқи тарғиботи билан шуғулланаётган бўлса, ундай уюшмаларга, вазирликларга ўз қўл остидаги ходимлари итоат қилишсин, бизлар эмас! — деди Ҳозарасп туман ИИБ Жиноят қидирув бўлими ходими бепарволик билан.

— Меҳнат вазирлиги, Касаба уюшмалар федерацияси мажбурий меҳнатнинг таъқиқига оид тарғисоб варақаларини ўз-ўзидан тарқатмагандир? Давлат қонунлари, ҳукуматнинг қарор ва фармонларидан чиқиб келиб тайёрлашгандир? Ёки пахта мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги ҳусусидаги улар тайёрлаган бундай огоҳлик варақаларнинг ҳаммаси шунчаки хўжакурсин учунгинами? — деган мазмундаги дийдиеларимни ҳеч ким эшитишни истамади.

— Ҳозараспда мажбурий меҳнат бор эканми? Бизда мажбурий меҳнат йўқ. Дала шийпонларида, сувчилар уйида, болалар боғчасида тунаётган коллеж ўқувчилари ўз ихтиёрлари билан ватанимизга ёрдам қилиш истагида ҳашарга чиқишган. Уларни биров пахта теришга мажбур қилган эмас. Ёки бирортаси сизга “Бизни теримга мажбурлашмоқда” дедими, — Ҳозарасп тумани ИИБ бошлиғи ўринбосарининг хизмат хонасида мени тергов қилаётган фуқаро кийимидаги махсус хизмат ходими бу гапларни шунчалар ишонч ва хотиржамлик билан айтдики, бу ёлғонларга ҳатто ўзимнинг ҳам ишониб қолишимга бир баҳия қолди.

“Нега дала шийпонида овоз чиқаришга кўрқанингиздан шеригингизни қўл билан имлаб чақирдингиз?”

— Хоразмда нима бор эди сизга?! — дедя дағдагада давом этти Отабой.

— Келишим таъқиқланганми?

— Келсангиз, тинчгина келиб кетинг эди! Пахта даласида нима қилиб юрибсиз?! Нимага ўқувчилар билан гаплашасиз?! Пахта шийпонида нимага борасиз?! Нимага яшириниб, қочиб юрибсиз?! — Узга вилоятдан келган шахснинг Хоразм далаларига



чиқиши, коллеж ўқувчилари билан гаплашиши мумкин эмас деган қонун борми? Мен эркин инсон бўлсам. Истасам, пахта кезаман, истасам, одамлар билан гаплашаман, ҳоҳлаган жойимга бораман, суратга оламан...

— Нега унда пусиб юрибсиз?! Қочасиз, яширинасиз?! Тонг саҳарда пахта шийпонида нима бор эди?!

— Яшириниш мақсадимиз йўқлиги сабаб ҳам, пусиб юрмаганимиз учун ҳам, гарчи, тунаб қолган уйимизни махсус хизмат ходимлари қўраб олганидан хабар топган бўлсак ҳам, ортимиздан “айғоқчи” изма-из тушганини, бизни таъқиб қилиб бораётганлигини билсак ҳам, қочиб қолган эмасмиз, аксинча, тонг саҳарда дала шийпонида йўл толганмиз. Ўқувчилар пахта теримига кетиб қолмасларидан олдин уларнинг яшаш шароитлари билан танишиш, озиқ-овқатлари сифатини кўздан кечириш мақсадида саҳарда дала шийпонларига шошилгандик.

— Яшириниб, пусиб юргансиз! Яширинмаган бўлсангиз, нега унда дала шийпонидаги болаларни расмга олиб бўлиб, кетар чоғингизда ана у рус аёлини, шеригингизни овоз билан чақаришга чўчиб, “кетдик” дея унга қўлингиз билан имо қилдингиз?!

— Сиз дала шийпонида йўқ эдингиз-ку?

— Сиз бизни ҳеч нарсадан беҳабар деб ўйламанг! Қаерда бўлган бўлсангиз, ўша ердаги дала шийпони, болалар боғчаси, сувчилар уйидаги ўқитувчиларни олиб келганмиз! Барчаси сизларнинг ҳаракатларингиз ҳақида ҳисобот ёзиб ўтирибди!

— Дала шийпонидаги, боғча ва сувчилар уйидаги коллеж ўқитувчиларидан ҳеч қандай ариза ва тушунтириш хати ололмайсиз. Мабодо, олгудек бўлсангиз, коллеж ўқувчиларининг пахта шийпонида ётиб-туришини ўз қўлларингиз билан очиб қўйган, исботлаб берган берасиз. Тонг саҳарги соат 5.00 да коллеж ўқитувчиси-ю ўқувчилари шийпонда нима қилиб юрибди деган савол ўртага қалқиб чиқади.

— Сиз менга дарс берайпсизми?! Овоз чиқаришга кўрқанингиздан шеригингизни қўлингизни имо қилиб чақирганингиз ёлғонми?! Нимага қўлингизни имлаб чақирдингиз?!

— Хоразмда қўл билан имо қилиб чақариш жиноят эканлигини билмаган эканман. Майли, мамлакат қонунларида фуқаронинг қўл билан имо қилиши жиноят саналса, бу ҳаракатга нисбатан жиноий жавобгарлик кўрсатилган бўлса, менга ўша моддани қўллаш қолинг, — дедим секингина.

“Сиздақа ватанфурушларга худонинг ўзи “статья” қўйиб қўйибди!”

— Биз қўймаймиз моддани! Худонинг ўзи сиздақа ватанфурушларга статья қўйиб қўйибди! — ўшқирди фуқаро кийимидаги Отабой отлиғ ИИБ ходими.

— Худо уриб қўйибди демоқчимисиз? Нимани назарда тутаяпсиз, тушунмадим? Икки йиллик оғир касаллигимни назарда тутаяпсизми? Бетоблигим учун, “Сизни Худо ана шундай қилиб уриб қўйибди!” демоқчимисиз? Касал бўлмаган одам борми?

— Худо уриб қўйибди демадим! Худонинг ўзи статья қўйиб қўйибди дедим!

— Худонинг ўзи статья қўйиб қўйибди дегани, Худонинг ўзи уриб қўйибди дегани-да!

— Узингизча тўқиб бичманг!

“Ватанфурушлигингиз учун қанча ҳақ оласиз?”

— Бизда мажбурий меҳнат борми? Билиб қўйинг, бизда мажбурий меҳнат йўқ. Ҳамма пахта теримига ўз ихтиёри билан чиқади. Ҳамма ҳашарчи. Битта фермер шунча гектардаги пахтани қандай териш олади. Уч-тўрттагина ишчиси бўлса. Пахтани нобуд қилиш керакми? Бошқа касб эгалари ҳам пахта терса, нима бўпти? Пахта бу бизнинг бойлигимиз-ку! Сизларга ўхшаганлар арзимас шу нарсани

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳам бўрттириб, ошириб-тошириб кўрсатасизлар. Пахта терими ҳақида олган шу материалларингизни қаерга берасиз? “Озодлик”гами? Шундай ватанфурушлигингиз учун қанча ҳақ тўлашади?, — мени сўроққа тута кетди ўзини таништирмаган фуқаро кийимидаги (ММХ ходимими, ИИБ вакилими ва ё прокуратураданми, буни ёлғиз Худо билади!) махсус хизмат ходими.

— Ватанни сотишми бу?

— Ҳа, ватанни сотасизлар. Қанча беришади?

— Сарик чақа ҳам тўлашмайди. “Озодлик”га менинг мутлақо алоқам йўқ. Ҳаётимда “Озодлик”дан қалам ҳақи олган банд эмасман. Умуман, тўплаган материалларим учун бирор бир шахс ва ё ташкилотдан ҳақ олмаганман.

— Биз гўлга ўхшаймизми? Хоразмгача келиш бепул бўлмагандир? Йўл харажатларини ким тўлайди?

— Мен Қарақалпоғистоннинг Элликқаласига, “Кечирмас ота” зиёратгоҳига бораман деб йўлга чиққандим. Мен ўз мақсадим йўлида ўз чўнтагимдан пул сарфладим. Бировнинг хизмати учун харажат тортган эмасман.

— Ҳеч қайси радио қалам ҳақи бермаса, ташкилотлар пул тўламаса, у ҳолда қимнинг, ниманинг ҳисобига яшайсиз? — савол устига-савол қотади ИИБ ходими.

— Қизим ишлайди. Унинг топганига қўл учида кун кўрамиз...

— Текиндан-текинга маълумот тўплайсизми? Радиоларни, сайтларни бепулдан-бепул маълумот билан таъминлайсизми?

Бундан нима фойда сизга? Текиндан-текин ишлаш зарурми сизга? Ҳориж радиолари, сайтлари қуруқ қўймаслигини, катта ҳақ тўлашини билмаймизми? Бирор бир наф кўрмасангиз далама дала юрармингиз? — иддао қилди тергов олиб бораётган фуқаро кийимидаги ўзини таништирмаган махсус хизмат ходими.

— Мен журналистман. ЎзМТРҚда 21 йилдан ортиқ фаолият юритганман. Бу менинг касбим. Касбим менинг ҳаётим. Шу ишга урганим қолганман. Мен кимдир ҳақ тўлаши учун репортажлар тайёрламайман, юрак ғуборимни чақариб ташлаш, кўнглимдаги дардларимни тўкиб солиш мақсадида матреаллар тайёрлайман. Сиз буни тушунмасангиз керак. Шу касбим учун мен жуда кўп нарсдан кечганман....

— Айтингчи, сьёмкани олиб бўлгандан кейин “Озодлик”га қандай қўнғироқ қиласизлар?

“Озодлик” қайда-ю мен қайда.

Мен ҳаётимда “Озодлик”га қўнғироқ қилган эмасман. Чет элга қўнғироқ қилаверсам уйимни қаердан топаман? Уларнинг ўзлари онда-сонда бизга чиқиб туришади. Кейинги бир ярим йилдан буён мендан интервью ҳам олишган эмас. Улар билан алоқам сиз тасаввур қилган даражадама-аас, -дедим.

— Пахта ҳақида олганларингизни “Озодлик”га бермасангиз, қаерда қандай қилиб тарқатасиз? — қизиқди ИИБ ходими.

— Исталган ОАВга беришим мумкин. Эълон қилишга кўнғудек бўлса, маҳаллий газеталарга ҳам берардим. Асосан интернет сайтлари орқали эълон қиламан дедим-ку. Неча марта такрорлашим керак, хайронман, — дедим норози тўнғиллаб.

— Ватанфурушлик бўлмай нима бу? Сизлар Ватанни сотиш билан шуғулланасизлар!

Нега бизни бунчалар таққирона текширишди?

Бизни асирга олишганига уч соатлар бўлганди, янглишмасам, бир маҳал ИИБ ходимларидан бири мен ўтирган хонага икки аёлни бошлаб кирди. Улардан бирининг эғнида оқ ҳалат бор эди. Оқ ҳалатли аёл ўзини таништирмаган эди, исм-шарифини ўзим сўраб билдим: Мехринисо Шокирова экан. Гинеколог. Ечинишимни буюрди. Карахт бўлдим.

— Сиздан бир нарсани илтимос қилсам бўладими, олажон? Мана, сиз аёл кишисиз. Мен ҳам. Бу ерда жуда уятга қолади-да одам, опа. Илтимос, бизни туғриқхонага, ёгинекология бўлимига олиб бориб аёлларнинг махсус креслосида кўриқдан ўтказсангиз девдим, — ялингудек дедим, гинеколог Мехринисо Шокировага.

— Зарари йўқ. Бу бор-йўғи 3-4 дақиқа вақтингизни олади, — деб жавоб қилди гинеколог.

Уларнинг ниятини дарҳол фаҳмладим: Бизнинг бачадонимиздан флешка излашмоқчи!

Аввалига ИИБ ходимларининг ўзи бизларни қандайдир қора темир таёғи билан кўриқдан ўтказишганди. “Темир таёғ” билан ҳам флешкаларимизни топа олишмаган эди. Ана шунинг аламига тиббий йўл билан қидириш мақсадида атай гинекологни бошлаб келишибди.

Гинеколог кўригига рози бўлишдан ўзга илож ҳам йўқ эди. Қаршилиқ кўрсатгудек бўлсак, янада кўпроқ шубҳага боришлари табиий “А-ҳа, демак, сьёмка қилинган флешкалар ростданам бачадонида экан-да!” деб ўйлашади.

Кейин гинекологик текширувга мажбурлашади. Кучи етмаса, ИИБ



ходимларини кўмакка чақиришади. Иккита милиция оёғингдан, яна иккитаси қўлингдан тутиб туради-да, гинеколог М. Шокировани ишга солишади. Бундай ҳолатларда қаршилиқ кўрсатиш бефойда.

— Уст-бошингизни ечинг, — буюрди гинеколог.

Ҳозарасп туман Ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари хонасида, туғридан-туғри стол устига қип-яланғоч ётқизган ҳолда гинеколог Мехринисо Шокирова онадан қандай туғилган бўлсам, шу куйи ечинтириб олди. Шокировага ҳамроҳлик қилиб келган аёл мен эғнимдан ечган барча уст-бошимни чок-чокига қадар биттама-битта синчиклаб текшириб, бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

Бу вақт давомида гинеколог оқ ҳалати чўнтагидан чиқарган қандайдир тиббий ускуналари билан бачадонимдан флешка излай кетди. Топаолмагач, қўли кўмагида қидирди. Барибир фойдаси бўлмади.

Кўрикни ниҳоясига етказган гинеколог М. Шокирова кийинишимни буюрди. Сўнгра эшикни очаркан унинг ортида кутиб турган ИИБ ходимларига: “Ҳаммаси топ-тоза. Ҳеч нарса топилмади. Сизлар қидираётган флешка чиқмади” дея ахборот берди.

Янада муҳимроғи шундаки, гинеколог тиббий ускуналари кўмагида бачадонимдан анализ учун нимадир олди-да “прозрачный” селюфанга солди. Мен ундан бирор бир анализ олишини ўтинмаган эдим. Аммо гинеколог Мехринисо Шокирова мендан анализ учун қандай мақсадда намуна олди, буни ёлғиз Худо билади.

Аёл киши сифатида илгарилари ҳам гинекологик текширувлардан ўтиб юрган одамлармиз. Бирок, ҳатто, кўзимиз ёриган кезларида ҳам бирор бир гинеколог бизни онадан туғилгандек шир яланғоч қилиб ечинишга мажбур этмаган. Ярим яланғоч қилган бўлиши мумкин. Аммо қип-яланғоч ҳолатда бачадонни “ағдар-тўнтар” қилиш Шокировага нима учун зарур бўлиб қолганига ҳалигача тушунмайман.

Умуман олганда, туғридан-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



тўғри Хазорасп туман ички ишлар идорасида, бошлиқ ўринбосари хонасида, столда гинекологик текширувдан ўтказиш, бачадонни “тафтиш” қилиш мумкинми? Бу ҳолат тиббиёт талабларига жавоб берадими? Ва яна гинеколог Меҳринисо Шоирова тўғридан-тўғри оқ халатининг чўнтагидан чиқарган тиббиёт асбоб-ускуналарига бирор бир микроб ва ё инфекция илашмаганмикин? Гинеколог қўлидаги тиббий ускуналарни «стерильный» эканлигига қароқ қани? Тиббиёт талабларига зид равишда ИИБ биносида гинекологик кўриқдан ўтказишдан тап торتماган Шокирова бачадонимизга бирор бир юқумли бедова бир дардни қастдан тиббий асбоблари ёрдамида юқтирмаганлигига ким қароқ беради? Модомики, шифокор дегани тиббиёт қасамини буздими, тиббиёт талабидан четга чиқдими, ундай шахсдан ҳар қандай қабиҳликни кутиши мумкин.

Организм меникими, меники. Мен Шокировадан бачадонимдан таҳлил учун намуна олишни сўрамаганман. Гарчи сўрамасам-да, нима учун у мендан анализ учун намуна олиб, селлафанга солади? Бундан мақсад нима эди? Гап йўқ, сўз йўқ. Тушунтириш йўқ!

Гинекологнинг мана шундай шубҳали ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан сўнг, “Меҳринисо Шокирова оқ халати чўнтагидан олган тиббиёт асбоб-ускуналари воситасида бачадонимга давосиз бир касаллик инфекциясини қасддан юқтирмадимикин?” деган гумонга боришим табиийми, йўқми? Модомики, менинг бачадонимга флешка яширинган деган шубҳага боришган экан, нега айнан тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида “кўриқдан ўтказишди”?

Ваҳоланки, М. Шокирова аёл бачадонини УЗИ кўмагида ҳам кўздан кечириш мумкинлигини биларди-ку! Демак, уларга Урлаева ва менинг организмимга қандайдир касаллик юқтириш керак бўлган! Ажабмас, эртага у менинг маткамдан олган намунани ҳақиқий хастанинг намунасига алмаштирган ҳолда мени “ОИТС”ми, қандайдир хавфли

дардлардан бирига чалинган бемор экан!” деган иддаони илгари суриб қолса! Бу фурсат ичида эса у юқтирган инфекция вужудимга тарқаб улгурган бўлади. Шу баҳона ҳукумат битта “мониторинг ўтказувчи” журналистдан қутилади-қўяди. Ажабмас, шундан сўнг ваъдаларига мувофиқ шифокор Шокирова хонимгага шон-шарафлар ёғилса, амал эгарига илинса!

Ҳозарасп туман шифохонаси шифокорлари, жумладан, гинеколог Меҳринисо Шокирова ичган тиббиёт қасамига содиқлик кўрсатадими ва ёки туман ҳокими, сенатор Уктам Қурбоновнинг буйруғига сўзсиз бўйсунадими? ИИБ идораларининг ноғарасига усул қиладими?

Кейинчалик Елена Урлаева билан бўлган суҳбат жараёнида аниқ бўлишича, Меҳринисо Шокирова Е. Михайловнани ҳам таҳқирони гинекологик “текширувдан” ўтказган. Ҳуқуқбонни ҳам қип-яланғоч қилишган.

Дунё ҳамжамияти Ўзбекистон шифокорлари куч ишлатар тизимларининг оғзаки топшириғига асосан аёл бачадонига қасддан касаллик юқтириш қудратига эга эканлигидан огоҳ бўлишлари лозим! Бизга исбатан қўлланилган бундай таҳқирни биз ҳам жавобсиз қўймоқчи эмасмиз. Шу кеча кундузда Ҳозарасп туман ҳокими — сенато-оорни, ИИБ бошлиғи ва бизни асир этган ходимларини, тиббиёт талабига эмас, сенатор Уктам Қурбонов ва ИИБ бошлиғига сўзсиз итоат этиб, уларнинг оғзаки буйруқларини сўзсиз бажараётган гинеколог Меҳринисо Шокировани судга бериш борасида даъво ариза тайёрлаш билан машғулмиз.

“Ростини айтинг, куни кеча пахта йиғим-теримига бағишланган йиғилишда туман ҳокими У. Қурбоновнинг кунлик терим режасини удралай олмаган ташкилот раҳбарларига қилган дағдағаларига гувоҳ бўлганим, тасвирга олганим учун қасддан бизни қийнаб ўтирибсизларми?”

— Флешка электротехника асбоби бўлса. Унга нам теккудек бўлса, ишдан чиқса. Биз нега флешкани яширамиз ўзи? Уни асраб қолиш учунми? Модомики, уни омон сақлаб қолишни истарканмиз, қандай қилиб уни бачадонимизга жойлаштиришимиз мумкин?

— Селлафанга ўраб, — уқтирди ИИБ ходими.

— Инсон организмнинг 90 фоиздан ортиғи сувдан иборат бўлса... Ҳар қандай селлафан суюқликда турса, нам торташи ёш болага ҳам маълум-ку. Бу ҳолатда флешка ўз-ўзидан ишдан чиқади. Флешка яроқсиз ҳолга келиб қолар экан уни чиқинди челақка ташладик

нима, бачадонга жойладик нима? Ҳар икки ҳолатда ҳам фойдаланиб бўлмайди. Маткадан флешка қидириш ҳеч бир ақлга сиғмайди. Шунин билан ҳолда сизлар қандай қилиб аёл бачадонидан флешка қидиришга буйруқ берасизлар-а? — дедим ҳайратимни яширмай.

— Селлафанга ўралса, ишдан чиқмайди, — деди ИИБ ходими ишонч билан.

— Куни кеча ҳокимият йиғилишига кирганим, сенатор бўлган ҳокимларингизни кунлик пахта териш режасини удралай олмаган ташкилот раҳбарларига қилган дағдағаларини ёзиб олганимнинг аламигами буларнинг бари? Ҳоким Уктам Қурбоновнинг дағдағалари туширилган флешкани топиб, йўқ қилиш учун қидираяпсизларми? Бунинг эвазига менга қандай айблов қўясизлар? Уюштириш йўли билан қамайсизларми? — савол қотдим ўзини таништирмаган фуқаро кийимидаги ИИБ ходимига.

“Муҳаммад Солиҳ билан охирги марта қачон гаплашгансиз? Нима ҳақида суҳбатлашгансиз?”

Бизга соқчилик қилиш баробарида сўроққа тутаётган навбатдаги Ҳозарасп туман ИИБ ходимларидан бири (Ҳамкасблари фуқаро кийимидаги бу йигитни Собир деб чақиришди) кутилмаганда суҳбат мавзусини ўзгартирди:

— Биздан бир киши чиққанди-ку. Отиям нима йди-я? — деди атай ўсмоқчилаб, — Ҳа, эсладим, Муҳаммад Солиҳни танийсизми?

— Шоир одамни танимайманми, танийман, албатта, — ҳозиржавоблик қилдим.

— Учрашганмисиз? Учрашганмисиз? Гаплашганмисиз? Охирги марта қачон гаплашгансиз? Нима ҳақида гаплашгансиз, — саволларни қалаштирди ўзини таништириш кўнглининг кўчасига ҳам келмаган Собир отлиғ ИИБ ходими.

— Учрашганман, гаплашганман. Каримов билан бирга Муҳаммад Солиҳнинг президентликка номзоди қўйилган кезларида, танқидчилар “Нуқул Ислоҳ Каримовни тарғиб қиласизлар, Муҳаммад Солиҳни четлаб ўтасизлар. Торози палласи Каримов томонга босиб кетмоқда. Торози палласини тўғри тутмаяпсизлар” деб танқид қилишганди.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов